

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**26-сон**  
**(1098)**  
**2023 йил**  
**июнь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

261. «Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон — Қозоғистон Давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 июндаги ЎРҚ–849-сон Қонуни

*Учинчи бўлим*

262. «Республика чегараолди шаҳар ва туманларидаги умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган «Ёш чегарачилар» клублари фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги 261-сон қарори

263. «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантиришга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни

тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги 262-сон қарори

264. «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 июндаги 267-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

265. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 10 июндаги 30-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-7*)
266. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 24-maydagi 16-2023/B-son “Avtotransport vositalari haydovchilarining ish vaqti va dam olish vaqti to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 26-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2506-1*)
267. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 1 июндаги 290-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2700-2*)
268. O‘zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirining 2023-yil 6-iyundagi 155-son “Davlat yong‘in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 27-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3097-7*)
269. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 27-iyundagi 7-mh-son “Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyning bitiruvchilarini Toshkent davlat yuridik universitetiga yakka tartibda suhbat o‘tkazish orqali o‘qishga qabul qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 13-bandiga qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 27-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3308-1*)
270. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 13 июндаги 299-B-4-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги-

нинг 2023 йил 30 майдаги 21-сон «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-4*)

271. Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирининг 2023 йил 16 июндаги 5-сон «Геология-қидирув ишлари қийматини жорий нархларда ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2395-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

**261** Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон — Қозоғистон Давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
16 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 23 июнда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон — Қозоғистон Давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 30 июнь,  
ЎРҚ–849-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 июлда эълон қилинган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **262** Республика чегараолди шаҳар ва туманларидаги умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган «Ёш чегарачилар» клублари фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ёшларни миллий кадриятлар ва маданиятга бўлган таҳдидлар ҳамда ёт фоялардан асраш, ҳар томонлама ривожланган, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, миллий анъаналарга садоқатли, дунёқараши кенг, ватанпарвар ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратилган «Ёш чегарачилар» клубларининг фаолиятини тартибга солиш, қўллаб-қувватлаш ва аҳоли орасида оммалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамкорлигида чегараолди шаҳар ва туманлардаги умумий ўрта таълим мактабларида (академик лицейлар, ҳарбий-академик лицейлар ёки махсус ҳарбийлаштирилган мактаблар бундан мустасно) қақирққача тайёргарлик ёшидаги ўқувчилардан иборат «Ёш чегарачилар» клублари ташкил этилганлиги ва ҳар йили ушбу мактабларнинг жамоалари ўртасида уч босқичли мусобақа (кейинги ўринларда — мусобақа) ўтказиб келинаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

«Ёш чегарачилар» клуби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

«Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби 3-иловага\*\* мувофиқ;

«Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасини ўтказиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) ва туман (шаҳар) қўмиталарининг намунавий таркиблари 4 — 4а-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси (С.С. Курбанов):

мусобақанинг барча босқичлари белгиланган тартибда пухта ташкил этилишини таъминласин;

мусобақанинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича маҳаллий ва ҳудудий ташкилий қўмиталар тузилишини ҳамда уларнинг фао-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 июнда эълон қилинган.

\*\* 3 — 4а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лияти тўғри йўлга қўйилишини, шу жумладан ҳар бир босқич тўғрисида тўлиқ маълумотлар белгиланган тартибда тақдим этилишини назоратга олсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда мусобақанинг республика босқичини юқори савияда ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

5. Мусобақани ўтказишга масъул вазирлик ва идоралар ушбу қарорга 2-иловада белгиланган вазифалар сифатли бажарилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, мусобақани ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ушбу қарорга 2-иловада келтирилган тақсимотга асосан тегишли вазирлик ва идораларнинг бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 26 июнь,  
261-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 26 июндаги 261-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Ёш чегарачилар» клуби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом чегараолди шаҳар ва туманлардаги умумий ўрта таълим мактаблари (кейинги ўринларда — мактаб) ўқувчилари иштирокида «Ёш чегарачилар» клубларини (кейинги ўринларда — клуб) ташкил этиш, клуб аъзолигига қабул қилиш ва аъзолигидан чиқариш, клубни бошқариш тартиби, шунингдек, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Клуб Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг (кейинги ўринларда — ДХХ ЧҚ) ҳарбий қисмларига бириктирилган ҳамда клубни ташкил этиш истагини билдирган чегараолди шаҳар ва туманлардаги мактабларда ташкил этиладиган ёш кўнгилчилар жамоаси ҳисобланади.

Клуб юридик шахс ҳисобланмайди.

3. Клуб ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чегара соҳа-

сида амалга оширилаётган ислохотлар ва қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш, онгли равишда чегараолди ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси хавфсизлигини таъминлашда дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, уларни чегарачи касбига қизиқтириш мақсадида ташкил этилади.

4. Клубни ташкил этиш бўйича мактаб директори, тегишли ҳарбий қисмининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича офицери, мактаб тиббий ҳамшираси, жисмоний тарбия ўқитувчиси, ёшлар етакчиси ҳамда «Чақирикқа қадар бошланғич тайёргарлик» фани ўқитувчисидан иборат таркибда ишчи гуруҳ тузилади.

Мактаб директори ва «Чақирикқа қадар бошланғич тайёргарлик» фани ўқитувчиси ишчи гуруҳ раҳбари ва котиби ҳисобланади.

Клуб ишчи гуруҳ йиғилиши баёни билан ташкил этилади.

5. Клуб ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

6. Клуб мактаб директори томонидан тасдиқланган рамзий байроғи, вимпели ва шиориға эга бўлади.

7. Клуб фаолиятини ташкил этиш мактаб маъмурияти томонидан амалга оширилади. Мактаб маъмурияти ДХХ ЧҚ билан ҳамкорликда махсус хонани ташкил қилади. Клубнинг почта манзили мактабнинг жойлашган ери ҳисобланади.

8. Клуб фаолияти мактабнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

## **2-боб. Клубнинг асосий вазифалари**

9. Қуйидагилар клубнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини ва дунёқарашини юксалтириш, уларни миллий кадрият ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нажмиддин Кубро каби буюк сиймоларнинг ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик туйғуларини шакллантириш;

ёшларда миллий армия билан фахрланиш, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, уларни ДХХ ЧҚнинг шонли ва жанговар анъаналарининг давомчилари этиб тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун босқичма-босқич тайёрлаш;

ёшлар онгида чегараолди ҳудудлардаги Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муно-

сабатни шакллантириш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

ёшларда чегараолди ҳудудларда юз бериши мумкин бўлган ёки содир бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг чидамлилигини ошириш ҳамда ҳар қандай қийинчиликларни матонат билан енгишга ўргатиш;

клуб аъзоларини «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасига (кейинги ўринларда — мусобақа) пухта тайёрлаш ҳамда бир жамоа бўлиб ҳамжиҳатликда ҳаракатланишга ўргатиш.

10. Клуб ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун:

клуб фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ёритиб боради, клубда олиб борилаётган машғулотлар ва мусобақанинг маҳаллий ва ҳудудий босқичларидаги иштирокни акс эттирувчи фотоальбом ва ҳарбий варақани тайёрлайди;

клуб аъзолари учун назарий ва амалий машғулотларни ташкил этади;

ёшларда нутқ маданияти ва нотиклик санъатини ривожлантиришга қаратилган тренинглар ўтказиши;

клуб томонидан ташкил қилинадиган тадбирлар ва мусобақа жараёнлари ҳақида материаллар (видеолавҳа, мақола, фотоочерк ва бошқалар) тайёрлайди ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали намойиш этади.

### **3-боб. Клуб аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқариш**

11. Клуб аъзолигига мактабларнинг 9, 10 ва 11-синф ўқувчилари, ўз хоҳишига кўра, чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Клубга қабул қилиш учун аъзолик бадали ёки бошқа тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

12. Клуб аъзоси бўлиш учун ўқувчилар клуб раҳбарига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

клуб раҳбари номига ариза;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (биометрик паспорт, идентификацияловчи ID-карта ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси);

Ф-086-у шаклдаги тиббий маълумотнома.

13. Клуб раҳбари тўпланган ҳужжатларни ишчи гуруҳга тақдим этади.

Ўқувчилар ишчи гуруҳ йиғилиши баёнига мувофиқ ҳарбий қисм командирининг буйруғи асосида клуб аъзолигига қабул қилинади.

Буйруқ ҳарбий қисм командирининг ўринбосари томонидан ўқувчилар орасида ўқиб эшиттирилади ва клуб аъзолари тантанали равишда таништирилади.

14. Клуб раҳбари клуб аъзолари орасидан сардорни тайинлайди.

15. Ўқувчилар қуйидаги ҳолларда клуб аъзолигидан чиқарилади:

ўз аризасига мувофиқ;

ушбу Низомнинг 20-бандида белгиланган мажбуриятларни бажармаганда;

мактабни битирганда ёки ўқишини бошқа таълим ташкилотига кўчирганда.



16. Ўқувчилар ишчи гуруҳ йиғилиши баёнига мувофиқ ҳарбий қисм командирининг буйруғи асосида клуб аъзолigidан чиқарилади.

#### **4-боб. Клуб сардори ҳамда бошқа аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

17. Клуб сардори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

клуб аъзоларининг эришаётган ижобий натижаларини рағбатлантириш учун клуб раҳбарига тавсия бериш;

клуб аъзоларини содир этган салбий хатти-ҳаракатлари учун огоҳлантириш, ушбу хатти-ҳаракатлар такроран содир этилган тақдирда, ўқувчини клуб аъзолigidан чиқариш тўғрисида ишчи гуруҳга тақдимнома киритиш.

18. Клуб сардори:

клуб аъзоларининг тартиб-интизомга риоя этишларини таъминлашда клуб раҳбарига кўмаклашиши;

клуб аъзоларига ўқишда, меҳнатда ва одоб-ахлоқ масалаларида ҳар томонлама намуна бўлиши;

клуб аъзолари томонидан ушбу Низомнинг 20-бандида белгиланган мажбуриятлар бажарилиши устидан назорат қилиши;

клуб йиғилишини ташкил этиш, аъзоларнинг ижобий ташаббусларини қўллаб-қувватлаши;

клуб аъзолари билан ҳарбий тайёргарлик машғулотлари, шунингдек, мактаб ўқувчилари иштирокида ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказишда ҳарбий қисм масъул ҳарбий хизматчиларига кўмаклашиши шарт.

19. Клуб аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

клуб йиғилишларида унинг фаолияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш;

клуб фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар бериш;

клуб сардорининг нотўғри хатти-ҳаракатлари бўйича ўз фикрини билдириш;

клубга аъзолиги давомида ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги, шунингдек, клуб фаолиятига дахлдор масалалар юзасидан ҳарбий қисм қўмондонлигига мурожаат қилиш;

исталган вақтда клуб аъзолigidан чиқиш.

20. Клуб аъзолари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, ушбу Низом ва клуб фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар талабларига, шунингдек, ҳарбий қисм ва мактаб ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилиши;

клуб фаолияти билан боғлиқ тадбирларда, шу жумладан ДХХ ЧҚ ва мактаб маъмурияти ўртасида тузилган ҳамкорлик режасига мувофиқ ташкил этиладиган «Очиқ эшиклар куни» ва бошқа тадбирларда иштирок этиши ҳамда клуб манфаатларини ҳимоя қилиши;

клуб машғулотларида мунтазам иштирок этиб, ўз билим ва маҳоратини ошириб бориши шарт.

21. Клуб аъзолари чегараолди ҳудудларда Давлат чегараси қонунчили-

гининг бузилиши билан боғлиқ ноқонуний хатти-харакатларнинг олдини олишда ДХХ ЧҚга қўмаклашиши мумкин.

22. ДХХ ЧҚ сафларига муддатли ҳарбий хизматга қабул қилишда клуб аъзоси бўлган ўғил болалар қонунчиликда белгиланган тартибда устувор ҳуқуқда танлаб олинади.

23. Клуб аъзолари бир вақтнинг ўзида бошқа ҳарбий-ватанпарварлик клубларига аъзо бўлишига ва уларнинг ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

### **5-боб. Клубни бошқариш тартиби**

24. Мактабнинг «Чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик» фани ўқитувчиси ёки юқори ҳарбий билим ва малакага эга бошқа фан ўқитувчиси клуб раҳбари бўлиши мумкин.

Клуб раҳбари ишчи гуруҳ йиғилиши баёнига мувофиқ ҳарбий қисм командири буйруғи асосида тайинланади.

25. Қўйдагилар клуб раҳбарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

клуб фаолиятини мазкур Низом асосида бошқариш ҳамда белгиланган вазифаларнинг клуб аъзолари томонидан бажарилишини назорат қилиш;

бошқа мактабларнинг клублари ва тегишли ҳарбий қисм масъул ҳарбий хизматчилари билан мустаҳкам ҳамкорликни ўрнатиш;

клуб аъзолари билан машғулотларни сифатли ўтказиш ва мусобақага жиддий тайёргарлик кўриш;

клубни ўқув-услугий қўлланмалар билан таъминлаш ҳамда унинг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича мактаб маъмуриятига таклифлар бериб бориш.

26. Қўйдагилар мактаб маъмуриятининг асосий вазифалари ҳисобланади:

мактаб ҳудудида клуб учун алоҳида хона(лар) ажратиш, уни «Чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик» фани мавзулари бўйича кўргазмалар қуроллар, машғулотлар жадвали, клуб аъзолари рўйхати, клуб фаолияти ва мусобақага оид ҳужжатлардан кўчирмалар, ҳарбий қисм ва мактаб ўртасидаги йиллик ҳамкорлик режаси, мусобақа босқичлари ва машғулотлар жараёни акс эттирилган фотоальбом, шунингдек, зарур анжомлар ва воситалар билан таъминлаш;

клуб аъзоларининг дарсдан ташқари машғулотлар ўтказиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

мусобақада иштирок этувчи клуб аъзоларини спорт кийимлари билан таъминлаш;

клуб фаолиятини ташкил этишда техника ва ёнғин хавфсизлиги, шунингдек, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини назорат қилиш.

27. Қўйдагилар мактаб бириктирилган (тегишли) ҳарбий қисмнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

клуб аъзолари билан ўтказиладиган ватанпарварлик тадбирлари ва машғулотларни сифатли ташкил этиш юзасидан мактаб маъмурияти ҳамда

клуб раҳбари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва бу борада клубга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

мактаб ҳудудида клуб учун ажратилган хоналарни ДХХ ЧҚ фаолиятига оид тарғибот-ташвиқот материаллари, шу жумладан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, чегарачи қаҳрамонлар тўғрисидаги маълумотлар, ўқотар қуроллар ва ҳарбий техникалар тавсифлари ҳамда бошқа воситалар билан жиҳозлашга амалий ёрдам кўрсатиш;

клуб аъзоларини чегара хизматида қизиқтириш, шу жумладан ҳарбий қисм ҳудудига белгиланган тартибда олиб кириш, уларни ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан таништириш;

клуб фаолияти, ўтказиладиган мусобақалар ва бошқа тадбирларни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда ДХХ ЧҚ нашрларида кенг ёритиш.

### **6-боб. Яқунловчи қоида**

28. Клуб фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 26 июндаги 261-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **«Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом чегараолди шаҳар ва туманлардаги умумий ўрта таълим мактабларида (кейинги ўринларда — мактаб) таҳсил олаётган, «Ёш чегарачилар» клубларининг (кейинги ўринларда — клуб) чақириққача тайёргарлик ёшидаги (10-11-синф) аъзолари ўртасида уч босқичли мусобақани ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мусобақа ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давлат манфаатлари ва суверенитетини фидокорона ҳимоя қилишга тайёрлаш, жисмонан соғлом ва маънан етук ёш авлодни камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўз юрти ва халқининг тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик ҳиссини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

3. Мусобақа ўқувчиларни ҳарбий касбга ва олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришга йўналтириш ҳамда босқичма-босқич тайёрлаб бориш учун хизмат қилади.

4. Мусобақа қуйидаги уч босқичда ўтказилади:

туман (шаҳар) босқичи (кейинги ўринларда — туман босқичи) — мусобақани ўтказиш бўйича туман (шаҳар) ташкилий қўмитаси томонидан;

вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) босқичи (кейинги ўринларда — вилоят босқичи) — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) ташкилий қўмитаси томонидан;

республика босқичи — республика ташкилий қўмитаси томонидан.

Туман (шаҳар), вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) ташкилий қўмиталари таркиблари тегишлича туман (шаҳар) ва вилоят ҳокимлари (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси) томонидан мусобақа ўтказиладиган йил 1 февралга қадар тасдиқланади.

5. Қуйидагилар ташкилий қўмиталарнинг вазифалари ҳисобланади:

мусобақа ўтказиладиган жой ва санани белгилаш;

ҳакамлар ҳайъати таркиби ва апелляция комиссияси аъзолари рўйхатини тасдиқлаш;

мусобақанинг мазкур Низом талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш;

мусобақа натижалари ва ғолиб бўлган жамоа аъзолари рўйхатини юқори турувчи ташкилий қўмитага тақдим этиш;

мусобақа жараёнларини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб бориш.

6. Мусобақа ушбу Низомга иловадаги\* схемага мувофиқ ташкил этилади.

### **2-боб. Мусобақада иштирок этувчи жамоаларни шакллантириш ва мусобақада қатнашиш учун ариза тақдим этиш**

7. Мусобақада иштирок этувчи жамоа ўқув йилининг бошида клубнинг мусобақа шартлари бўйича юқори натижа кўрсатаётган, чақириққача тайёргарлик ёшидаги (10-11-синф) 10 нафар аъзосидан (8 нафар ўғил, 2 нафар қиз) иборат таркибда тузилади.

Клуб сардори жамоа сардори этиб, клуб раҳбари жамоа мураббийси этиб белгиланади.

8. Мактаб директори томонидан жамоанинг мусобақада иштирок этиши учун ташкилий қўмитага мусобақа ўтказиш санасидан ўн кун аввал қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

жамоа аъзоларининг рўйхати (муҳрланган фотосуратлари билан);

жамоа аъзолари ва мураббийсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари нусхалари (биометрик паспорти, идентификацияловчи ID-карта ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси);

ҳудудий оилавий поликлиника ёки қишлоқ врачлик пунктларидаги мактабларга бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан берилган Ф-086-у шаклдаги тиббий маълумотнома;

ўқотар қуролдан фойдаланиш вақтида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш ҳақидаги йўриқнома билан танишганлиги тўғрисида маълумотнома.

9. Ҳужжатлари белгиланган тартибда ва муддатда тақдим қилинмаган

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёки хужжатларда нотўғри маълумотлар кўрсатилган жамоанинг мусобақада иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Мусобақанинг ўтган йилги республика босқичида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган, шунингдек жорий йилда бошқа ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларида қатнашган жамоаларнинг мусобақада иштирок этишига йўл қўйилмайди.

10. Тегишли ташкилий кўмитага тақдим этилган рўйхатдаги жамоа аъзоларининг алмаштирилишига фақат ташкилий кўмитанинг розилиги билан йўл қўйилади.

### **3-боб. Мусобақани ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби**

11. Мусобақа қўйидаги вақтда ўтказилади:

туман босқичи — март-апрель ойларида;

вилоят босқичи — апрель ойининг учинчи ўн кунлигида;

республика босқичи — май ойининг иккинчи ўн кунлигида.

12. Мусобақа босқичларини ўтказишнинг аниқ санаси ва жойлари тегишли ташкилий кўмиталар томонидан мустақил равишда белгиланади.

Ташкилий кўмитаси аъзоларининг таклифига мувофиқ мусобақани ўтказиш муддати ва жойига ўзгартириш киритилиши мумкин.

13. Мусобақаларни ўтказиш жараёнига ДХХ ЧҚ ҳарбий қисмлари кўмондонлиги умумий раҳбарлик қилади.

14. Мусобақада жамоалар қўйидаги шартлар бўйича иштирок этади:

жамоаларнинг саф тайёргарлиги кўриги;

ҳарбий варақалар, альбом, вимпел, жамоанинг рамзий байроғи ва номи ёзилган тахтача кўриги;

жамоаларнинг махсус формаси кўриги;

умумтаълим фанлари бўйича тест синови;

Калашников автоматини нотўлиқ қисмларга ажратиш;

Калашников автоматини йиғиш;

ўғил болалар 1000 метрга, қизлар 100 метрга югуриш;

турникда тортилиш;

азимут бўйича ҳаракатланиш;

граната улоқтириш;

заҳарланган ҳудуддан ўтиш;

тўсиқлар йўлагидан ўтиш;

тиббий ёрдам кўрсатиш;

ўқ-дориларни ташиш;

Калашников автоматидан ўқ отиш;

Калашников автоматининг макети кўриги.

15. Мусобақа шартларини бажариш тартиби ва баҳолаш мезонлари ДХХ ЧҚ, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

16. Ҳакамлар ҳайъати мусобақанинг ҳар бир босқичида ДХХ ЧҚ, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиё-

сати ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда — Ёшлар ишлари агентлиги), Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда ушбу ташкилотларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари вакилларида иборат таркибда тегишли ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

17. Ҳакамлар томонидан мусобақани ўтказиш вақтида йўл қўйилган камчиликлар ташкилий қўмита томонидан ўрганиб чиқилади ва бартараф этилади.

18. Мусобақага ўз вақтида етиб келмаган жамоанинг мусобақада иштирок этиш-этмаслиги ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

19. Ташкилий қўмитага тақдим этилган жамоа аъзолари рўйхатига киритилмаган мактаб ўқувчиси мусобақада иштирок этаётганлиги аниқланган тақдирда, ушбу жамоа мусобақадан четлаштирилади. Бундай ҳолат мусобақа тугаллангандан сўнг аниқланган тақдирда, жамоанинг натижаси бекор қилинади ҳамда совринли ўрин ушбу жамоа натижасидан кейинги натижани қайд этган жамоага берилади.

20. Жамоа мураббийси ёки аъзолари томонидан мазкур Низом талаблари бузилган ҳолларда ташкилий қўмита қарорига асосан ушбу жамоа мусобақадан четлаштирилади.

21. Мусобақанинг натижалари ва кейинги босқичга ўтган жамоалар тўғрисида ташкилий қўмиталар ўзидан юқори турувчи ташкилий қўмитага уч кун муддат ичида ахборот беради.

22. Вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаган жамоа жойлашган ҳудуддаги ДХХ ЧҚ ҳарбий қисмидан бир нафар ҳарбий хизматчи республика босқичида ҳамроҳлик қилади.

23. Мусобақа ҳар бир босқичининг 1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган жамоалар мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида ташкилий қўмита томонидан диплом, кубок ва совғалар билан мукофотланадилар.

24. Мусобақа ҳар бир босқичининг «Энг илғор» номинацияси ғолиблари ташкилий қўмита томонидан алоҳида совғалар билан тақдирланади.

#### **4-боб. Жамоа мураббийси, мусобақа иштирокчилари ва ҳакамларнинг мажбуриятлари**

25. Жамоалар мураббийлари, мусобақа иштирокчилари ва ҳакамлар ушбу Низом талаблари ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт.

26. Жамоалар мураббийлари ҳакамлар фаолиятига аралашшига ҳақли эмас. Улар иштирокчиларнинг мусобақа ўтказиладиган ҳудудда ҳамда унинг ташқарисида бўлган вақтдаги хатти-ҳаракатлари учун жавобгардирлар.

27. Мусобақа иштирокчилари мусобақа жараёнида хавфсизлик қоидаларига ҳамда мусобақа ўтказиладиган ҳудудда белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиши, шунингдек, у ердаги жиҳозларга зиён етказмаслиги шарт.

28. Жамоалар мураббийлари ва ДХХ ЧҚ ҳарбий қисмларининг вакиллари жамоа аъзоларининг хавфсизлигини таъминлашга масъулдирлар.

**5-боб. Ташкилий қўмиталар аъзоларининг вазифалари**

29. Қуйидагилар ДХХ ЧҚ Қўмондонлиги ва ҳарбий қисмларнинг вазифалари ҳисобланади:

клубларда машғулотлар ўтказилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳар томонлама қўмаклашиш (фақат ҳарбий қисмлар);

клуб аъзолари билан сифатли машғулотлар ўтказиш ва мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўриш (фақат ҳарбий қисмлар);

мусобақа ўтказиш жойларини танлаш, тайёрлаш ва барча зарур моддий-техник воситалар билан таъминлаш;

мусобақанинг республика босқичи иштирокчиларини дала ўқув майдони учун дала кийими билан таъминлаш (фақат ДХХ ЧҚ Қўмондонлиги);

мусобақанинг республика босқичи иштирокчиларини ётоқхона ва озиқ-овқат билан таъминлаш;

мусобақанинг вилоят босқичи иштирокчилари учун тушлик ташкил этиш (фақат ҳарбий қисмлар);

мусобақада 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган жамоалар учун совғалар ажратиш;

Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда мусобақанинг вилоят ва республика босқичи ўтказиладиган объектларни байрамона безатиш ҳамда мусобақага мос кўرғазмали материаллар билан таъминлаш;

мусобақанинг республика босқичида ғолибларни тақдирлаш маросимининг тантанали ўтказилишини таъминлаш (фақат ДХХ ЧҚ Қўмондонлиги);

мусобақада ҳакамлик қилиш учун малакали мутахассисларни жалб қилиш;

мусобақа жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш.

30. Қуйидагилар Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг вазифалари ҳисобланади:

клубларда машғулотлар ўтказилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга қўмаклашиш (фақат ҳудудий бўлинмалар);

мусобақанинг барча босқичларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш чораларини кўриш;

мусобақанинг республика босқичига етиб келган иштирокчилар ҳарбий қисмга жойлаштирилишидан аввал бир марта тушлик ташкил қилиш (фақат Агентлик марказий аппарати);

мусобақанинг республика босқичига етиб келган иштирокчиларни мусобақа ўтказиладиган жойга олиб бориш ва мусобақа тугагандан сўнг олиб кетиш, шунингдек, иштирокчилар учун диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ташкил этишга автотранспорт воситаларини ажратиш (фақат Агентлик марказий аппарати);

мусобақанинг вилоят ва республика босқичи ўтказиладиган объектларни байрамона безатиш ҳамда мусобақага мос кўрғазмали материаллар билан таъминлашга ДХХ ЧҚга ҳар томонлама қўмаклашиш;

мусобақанинг вилоят ва республика босқичларига спорт турлари бўйича



халқаро мусобақалар ғолибларини жалб этиб, улар иштирокида давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ташкил этиш;

мусобақанинг ҳудудий босқичларида 1-ўринни эгаллаган жамоаларга, шунингдек, республика босқичида 1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган жамоалар учун совғалар ажратиш;

мусобақада ҳакамлик қилиш учун малакали мутахассисларни жалб қилиш.

31. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг вазифалари ҳисобланади:

клубларда машғулотлар ўтказилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳар томонлама кўмаклашиш (фақат ҳудудий бўлинмалар);

клуб аъзолари билан сифатли машғулотлар ўтказилиши ҳамда мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўрилишини таъминлаш (фақат ҳудудий бўлинмалар);

ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўқувчиларни оммавий равишда мусобақаларга жалб этиш;

мусобақанинг барча босқичлари учун умумтаълим фанлари (тарих, она тили ва адабиёт, математика, физика, инглиз тили, география, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанлари) бўйича тест саволларини тайёрлаш;

мусобақада ҳакамлик қилиш учун малакали мутахассисларни жалб қилиш;

Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда мусобақанинг республика босқичи иштирокчиларини кутиб олиш ва кузатиш (фақат вазирлик марказий аппарати);

мусобақанинг республика босқичида 1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган жамоалар ҳамда ушбу жамоаларнинг мураббийлари учун совғалар ажратиш (фақат вазирлик марказий аппарати).

32. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг вазифалари ҳисобланади:

мусобақа ўтказиладиган жойларда керакли дори-дармон ва тиббий ускуналар билан жиҳозланган тез тиббий ёрдам бригадаларининг навбатчилигини ташкил этиш;

мусобақада ҳакамлик қилиш учун малакали мутахассисларни жалб қилиш.

33. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг вазифалари ҳисобланади:

мусобақанинг вилоят ва республика босқичининг тантанали очилиш ҳамда ёпилиш тадбирларида фойдаланиш учун зарур бўладиган овоз кучайтиргич ва бошқа асбоб-ускуналарни қонунчиликда белгиланган тартибда мусобақа ўтказиладиган жойга олиб бориб ўрнатиш;

мусобақанинг вилоят босқичи тантанали ёпилиш маросимида қонунчиликда белгиланган тартибда бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва санъаткорларни жалб этиш (фақат ҳудудий бўлинмалар).



34. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг вазифалари ҳисобланади:

мусобақанинг барча босқичлари ғолиблари иштирокида маҳаллаларда учрашувлар ташкил этиш ва маҳаллаларда мусобақа тарғиботини олиб бориш;

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда мусобақанинг республика босқичида 1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган жамоалар учун совғалар ажратиш (фақат вазирлик марказий аппарати).

35. Қўйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг вазифалари ҳисобланади:

Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда мусобақанинг вилоят ва республика босқичларида иштирок этувчи жамоаларни махсус кийимлар билан таъминлаш;

мусобақа ўтказиладиган объектларни тайёрлашда ДХХ ЧҚга ҳар томонлама қўмаклашиш;

мусобақанинг тегишли босқичида ғолиб бўлган жамоаларнинг кейинги босқичда иштирок этиши учун транспорт харажатларини қоплаб бериш;

мусобақада 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган жамоалар, уларнинг мураббийлари ҳамда фаол иштирокчилар учун совғалар ажратиш.

36. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ДХХ ЧҚ ва ҳарбий қисмлар мурожаатига асосан мусобақанинг барча босқичларида жамоаларнинг мусобақани ўтказиш жойига келиш-кетишида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қўмаклашади.

37. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ДХХ ЧҚнинг буюртмалари асосида мусобақанинг республика босқичи иштирокчиларини мусобақа ўтказиладиган жойларга келиш-кетиш учун республика ичида ҳаракатланувчи тезюрар ва йўловчи поездларига бепул чипталар билан таъминлашда амалий ёрдам беради, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларнинг ва барча йўловчи поездларининг СВ, VIP вагонлари бундан мустасно.

38. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва ҳудудий кенгашлари қўйидагиларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатади:

клубларда машғулотлар ўтказилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш (фақат ҳудудий кенгашлари);

мусобақада 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган жамоалар учун диплом, кубок ва медаллар тайёрлаш;

мусобақанинг вилоят ва республика босқичи ўтказиладиган объектларни байрамона безатиш ҳамда мусобақага мос кўرғазмали материаллар билан таъминлашга ДХХ ЧҚга ҳар томонлама қўмаклашиш;

мусобақанинг республика босқичига етиб келган иштирокчиларни мусобақа ўтказиладиган жойга олиб бориш ва олиб келиш учун масъулларни бириктириш (фақат Марказий Кенгаш).

39. Республика Маънавият ва маърифат маркази мусобақанинг республика босқичида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган жамоалар учун совғалар ажра-

тишда ҳамда мусобақанинг тантанали ёпилиш тадбирини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

40. Мусобақа натижаларидан норози бўлган жамоалар уч иш кунда республика ташкилий қўмитасига ёзма равишда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда шикоят республика ташкилий қўмитаси томонидан шикоят муаллифи (муаллифлари), шунингдек ҳакамлар ҳайъати таркибининг камида 50 фоизи иштирокида ўн беш иш кунда кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижаларига кўра шикоятни қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

41. Мусобақани ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар тегишли вазирлик ва идораларнинг бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

42. Мусобақани ўтказишга доир ҳужжатлар ДХХ ЧҚнинг тегишли ҳарбий қисмларида сақланади.

43. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**263** **Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантиришга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 27 июндаги ПҚ–294-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Болалар учун мўлжалланган энг яхши теле- ва радиолойиҳа танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши материал» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг хорижий тилларни ўрганиш ҳамда хорижий тиллар бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиш учун имтиҳон топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Жисмоний шахслар томонидан даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига электрон тарзда обуна бўлиш ҳамда даврий босма нашрлар учун обуна харажатларининг бир қисмини қайтариб бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шакллари яратиш, уларни модернизация қилиш ва бир йил давомида юритиш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2026 йил 1 январга қадар ҳар йили Давлат бюджети параметрларида «Обуна» ягона электрон платформаси (кейинги ўринларда — Платформа) орқали амалга оширилган даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтаришни молиялаштириш учун Рақамли технологиялар вазирлигига маблағ ажратилиши назарда тутилади;

б) Платформа орқали амалга оширилган даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисми обуначилар мазкур қарорда белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан уларнинг банк карталарига бир ой муддат ичида қайтарилади;

в) «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор «UZINFOCOM» МЧЖ томонидан:

Платформанинг узлуксиз фаолият олиб бориши, модернизация қилиниши, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот хавфсизлиги,

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 июнда эълон қилинган.

шунингдек, Платформа орқали даврий босма нашрларга масофадан туриб электрон тарзда обуна бўлиш ва обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идораларининг ахборот тизимлари, шунингдек, тўлов тизими операторларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши;

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига Платформа орқали даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисми қайтарилиши таъминланади;

г) Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси томонидан Платформа орқали обуна бўлишда даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларини тарқатиш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатилади;

д) «Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши материал» танлови (кейинги ўринларда — танлов) бўйича:

танлов ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган журналистика соҳасининг энг илғор ютуқларидан фойдаланган ҳолда, юқори профессионал даражада тайёрланган ва энг яхши деб топилган материалларни аниқлаш ҳамда уларнинг муаллифларини тақдирлаш мақсадида ташкил этилади;

танлов газеталар ва журнал (ахборотнома-бюллетень)ларда чоп этилган материаллар, телеканалларда эфирга узатилган материаллар, радиоканалларда эфирга узатилган материаллар, веб-сайтларда эълон қилинган материаллар йўналишларида ўтказилади;

танловни ташкил этиш, ўтказиш, ғолиб ва совриндорларни мукофотлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси орқали қопланади.

3. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига:

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан биргаликда 2023 йил июль ойидан бошлаб энг яхши материалларни кенг жамоатчилик ва малакали мустақил экспертлар муҳокамасига ҳавола қилишни махсус электрон платформа орқали амалга оширилишини таъминлаш;

мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар, жамоатчиликнинг катта қизиқишини уйғотаётган воқеаларнинг моҳиятини кенг тушунтириш мақсадида ҳар чоракда 100 тагача материалларни тайёрлаш ва эълон қилиш бўйича оммавий ахборот воситаларига ижтимоий буюртмалар бериб бориш;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда халқаро имтиҳон тизимларини ташкил этиш ваколатига эга бўлган хорижий ташки-

лотлар ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган ваколатли вакиллари реестрини шакллантириш;

халқаро имтиҳон тизимларини ташкил этиш ваколатига эга бўлган хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида тегишли имтиҳон топшириш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиш ва доимий равишда янгилаб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори А.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 26 июнь,  
262-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 26 июндаги 262-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Болалар учун мўлжалланган энг яхши теле- ва радиолойиҳа  
танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом болалар учун мўлжалланган теле- ва радиобахшларни тайёрлаш ҳамда эфирга узатиш бўйича ҳар йили энг яхши 30 та лойиҳа учун ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача бўлган миқдорда молиялаштириладиган энг яхши теле- ва радиолойиҳа танловини (кейинги ўринларда — танлов) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танловда болалар учун мўлжалланган теле- ва радиобахшларни тайёрлаш ҳамда эфирга узатиш имкониятига эга бўлган барча оммавий ахборот воситалари иштирок этишлари мумкин.

3. Танлов ҳар йили июль-август ойларида, унинг ғолибларини тақдирлаш сентябрь ойида ўтказилади.

4. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**баҳолаш мезонлари** — танлов натижаларини аниқлаш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар;

**лойиҳа** — танловда иштирок этиш учун тайёрланган ва тақдим этилган болаларга мўлжалланган теле- ва радиобахшлар;

**талабгор** — Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда теле- ва радиобахшлар тайёрлаш ва эфирга уза-

тиш имкониятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари (теле- ва радиоканаллар);

**танлов ғолиби** — тақдим этган лойиҳаси молиялаштириш учун тавсия этилган танлов иштирокчиси;

**ташкilotчи** — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги;

**ташкилий қўмита** — танловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш, шунингдек танлов учун тақдим этилган лойиҳаларни баҳолаш мезонларини ва ҳакамлар ҳайъати таркибини тасдиқлаш вазифаларини амалга оширувчи коллегиял тузилма;

**ҳакамлар ҳайъати** — танлов иштирокчиларининг лойиҳаларини баҳоловчи етти нафар аъзодан иборат экспертлар гуруҳи.

5. Танлов икки йўналишда — «болаларга мўлжалланган энг яхши теле-лойиҳа» ва «болаларга мўлжалланган энг яхши радиолойиҳа» номинациялари бўйича ўтказилади ҳамда жами 30 та энг яхши лойиҳа молиялаштирилади.

## 2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

6. Танлов ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема асосида қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

1-босқич — ташкilotчи ҳар йили июль ойининг 10-санасига қадар танлов ҳақидаги эълонни ўз расмий веб-сайти ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги саҳифаларида жойлаштиради.

Танлов ҳақидаги эълонда аризаларни шакллантириш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда теле- ва радиобахсулотларни ташкилий қўмитага тақдим этиш тартиби, муддати ва талаблари кўрсатилади;

2-босқич — талабгор ўзи тайёрлайдиган ва эфирга узатадиган болаларга мўлжалланган теле- ва радиобахсулотлар бўйича лойиҳаларини ҳар йили июль ойининг 25-санасига қадар ташкilotчига (шу жумладан, электрон тарзда) тақдим этади;

3-босқич — ташкилий қўмита танловга тақдим этилган лойиҳаларни ҳар йили август ойининг 10-санасига қадар ушбу Низом талаблари асосида дастлабки тарзда саралайди ва сараланган лойиҳаларни молиялаштириш масаласини кўриб чиқиш учун ҳакамлар ҳайъатига тақдим этади;

4-босқич — ҳакамлар ҳайъати ҳар йили август ойининг 25-санасига қадар лойиҳаларни кўриб чиқади ва улар ҳайъат аъзоларининг очиқ овоз бериши орқали молиялаштириш учун тавсия этилади ёки молиялаштиришга тавсия қилиш рад этилади;

5-босқич — ташкилий қўмита ва ташкilotчи ҳар йили сентябрь ойида ҳакамлар ҳайъати томонидан тавсия этилган лойиҳаларни молиялаштириш чораларини кўради.

Лойиҳалари ғолиб деб топилган талабгорларнинг номлари ташкilotчининг расмий веб-сайти ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги саҳифаларида эълон қилинади.

7. Танловни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар ташкилий қўмита томо-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нидан рўйхатга олинади ва ушбу рўйхат ташкилотчи архивида беш йилгача сақланади.

8. Танловни ўтказиш бўйича умумий раҳбарлик ташкилотчи томонидан амалга оширилади.

### **3-боб. Ташкилотчи, ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъатининг асосий вазифалари**

#### 9. Ташкилотчи:

танловни ташкил этади ва ўтказиши;

танлов шартлари асосида тавсия этилган лойиҳаларни молиялаштириши;

танловнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади;

ташкилий қўмита фаолиятига қўмаклашади;

танлов эълони, жараёнлари ва яқунлари ҳақидаги ахборотни ўз расмий веб-сайти ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги саҳифаларида эълон қилиб боради;

лойиҳаси молиялаштиришга тавсия этилган талабгорлар билан маблағ ажратиш юзасидан тўғридан-тўғри шартнома тузади;

ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлайди.

#### 10. Ташкилий қўмита:

ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди;

тавсия этилган ҳар бир лойиҳани молиялаштириш юзасидан белгиланган харажатлар миқдорининг асослилигини ўрганади, шунингдек, харажатларни асоссиз деб топган тақдирда, умумий суммани тегишлича камайтириш бўйича ташкилотчига таклиф киритади;

танлов бўйича келиб тушган аризаларни кўриб чиқади;

ноҳолис ёндашув, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўради;

молиялаштирилмайдиган лойиҳаларни аниқлашда ҳакамлар ҳайъати томонидан шаффофлик мезонларига риоя қилинишини назорат қилади;

танловга келиб тушган лойиҳаларни баҳолаш мезонларини қайта кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

танлов иштирокчиларининг ҳакамлар ҳайъати қарорлари устидан қилган шикоятларини кўриб чиқади.

#### 11. Ҳакамлар ҳайъати:

танловга келиб тушган лойиҳаларни адолатлилик, шаффофлик ва мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқади ва баҳолайди;

танлов доирасида молиялаштирилмайдиган лойиҳаларни саралаб олади ва уларни молиялаштиришга тавсия этади;

танловга тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини ўрганади;

танлов иштирокчиларидан ушбу Низом талаблари асосида тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олади;

ноҳолис ёндашув, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатларига йўл



қўйилмаслик, натижалар эълон қилингунга қадар сир сақланишини таъминлайди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг танловга тақдим этилган лойиҳаларни ўрганиш ва баҳолаш жараёнига аралашишга йўл қўйилмайди.

12. Ташкилий қўмита ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ таркибда тузилади.

13. Ташкилий қўмита мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида бир марта ўтказилади.

14. Ҳакамлар ҳайъати таркибига ташкилотчи, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари киритилади.

#### **4-боб. Танловга лойиҳаларни тақдим этиш тартиби**

15. Талабгорлар танлов эълон қилинган кундан эътиборан ташкилий қўмита номига (шу жумладан, электрон тарзда) ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ шакл бўйича ариза берадилар.

16. Аризаларга лойиҳа бўйича маълумотлар (тақдим этилаётган лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти, эфир вақтлари, томошабинлар қамрови, шунингдек, ушбу Низомда белгиланган мезонларга мувофиқлиги ҳақида тақриз).

17. Танлов учун тақдим этилаётган лойиҳа доирасида тайёрланадиган теле- ва радиомаҳсулотлар — телекўрсатув, видеолавҳа, мультипликацион фильм, аудиоматериал ва бошқа кўринишда бўлиши мумкин.

18. Бир календарь йили давомида битта талабгорнинг кўпи билан бешта лойиҳаси молиялаштирилиши мумкин.

19. Танлов доирасида молиялаштирилган лойиҳа кўпи билан уч ой ичида амалга оширила бошланиши шарт.

20. Танлов учун тақдим этилаётган лойиҳаларда бошқа шахсларнинг турдош ҳуқуқлари объектларидан фойдаланиш тақиқланади.

#### **5-боб. Лойиҳаларни баҳолаш мезонлари**

21. Танлов иштирокчилари тақдим этган лойиҳалар қўйидаги мезонлар асосида саралаб олинади:

оммавийлик (теле- ва радиомаҳсулот содда услубда, болалар учун тушунарли ва қизиқарли бўлиши);

болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ва жамоатчилик томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг акс эттирилганлиги;

ёритилаётган мавзу болаларнинг таълим-тарбиясига, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ва маънавиятини ўстиришга қаратилганлиги;

лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти, танланган мавзуларнинг долзарблиги ва оммабоплиги;

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



болалар билан ишлашда янги ёндашувлар қўлланилганлиги;  
ижодий ўзига хослик (мавзуни ёритишда, уни тақдим этишда ижодкорлик ва гоё бетакрорлигининг мавжудлиги);

болаларда экологик маданиятни шакллантириш бўйича фойдалилиги (мавзуни танлаш, мазмунида аниқ муаммоли вазият акс эттирилганлиги ва муаммонинг туб моҳияти очиб берилганлиги);

болаларга ҳуқуқий тарбия ва одоб-ахлоқнинг бошланғич қоидаларини ўргатиш бўйича фойдалилиги;

кутилаётган натижа (теле- ва радиомаҳсулот оммалашиши, жамоатчиликни қизиқтириши ва болаларга оид давлат сиёсатини самарали амалга оширишга қаратилганлиги).

### **6-боб. Ташкилотчи ва талабгор ўртасида шартнома тузиш тартиби**

22. Ҳакамлар ҳайъати лойиҳани молиялаштиришга тавсия этганидан сўнг ташкилотчи йигирма кун ичида буйруқ асосида голиб билан маблағ ажратиш бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузади.

Ушбу шартномада ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

23. Шартномада қуйидаги қоидалар назарда тутилган бўлиши керак:  
танловнинг мақсади;

молиялаштириладиган лойиҳанинг умумий шартлари ва ушбу шартларни амалга ошириш муддатлари;

лоyiҳани молиялаштиришга ажратиладиган маблағ миқдори;

молиялаштириш муддати;

ажратилган маблағдан мақсадли фойдаланиш бўйича назорат шакллари;  
ҳисобот бериш муддати ва шакллари;

лоyiҳа келишилган тартибда амалга оширилмаган тақдирда, ажратилган маблағни қайтариш шартлари.

24. Агар лойиҳаси молиялаштиришга тавсия этилган талабгор шартномани имзолашдан бош тортса ёки танлов давомида ўз фаолиятини тугатган ёхуд тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинган бўлса, ташкилотчи танловда иштирок этган ва лойиҳаси танлов мезонларига мувофиқ юқори баҳоланган кейинги талабгор билан шартнома имзолашга ҳақли.

### **7-боб. Лойиҳалар ижросини назорат қилиш**

25. Танлов доирасида молиялаштирилган лойиҳалар, танловга тақдим этилган ҳужжатларда белгиланган муддат ва шартларда амалга оширилмаган тақдирда, ташкилотчи талабгорга ажратилган маблағни қайтариш чораларини кўради. Агар талабгор маблағларни ўз ихтиёрига кўра қайтармаса, ташкилотчи томонидан суд тартибида ундирилади.

26. Ажратилган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш, шунингдек, шартномада келишилган шартларни бажариш учун теле- ва радиоканалнинг муассиси ва (ёки) бош муҳаррири жавоб беради.

**8-боб. Якунловчи қоидалар**

27. Танлов ташкилотчига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

28. Танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч кун ичида ташкилий қўмигага шикоят қилишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 26 июндаги 262-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган  
энг яхши материал» танловини ташкил этиш ва  
ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши материал» танловини (кейинги ўринларда — Танлов) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танлов оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган ва юқори профессионал даражада тайёрланган энг яхши материалларни аниқлаш ҳамда уларнинг муаллифларини тақдирлаш мақсадида ташкил этилади.

3. Танлов ҳар йили чорак якуни бўйича ўтказилади.

4. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**иштирокчи** — Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган оммавий ахборот воситалари, шунингдек, танловда қатнашиш учун ариза берган муаллифлар (ижодий гуруҳ аъзолари);

**материал** — оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақола, шарҳ, журналистик суриштирув, интервью, видео-, аудио-, фото- ва бошқа маҳсулотлар;

**махсус электрон платформа** — танлов ташкилотчиси томонидан ишлаб чиқилган ва энг яхши материалларни кенг жамоатчилик ва малакали мустақил экспертлар муҳокамасига тақдим этишга мўлжалланган электрон тизим;

**оммавий ахборот воситаси** — оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари;

**ташкилотчи** — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси;

**ташкилий қўмита** — танловни ташкил этиш ва ўтказишда танлов учун тақдим этилган материалларни баҳолаш мезонларини ва ҳакамлар ҳайъати таркибини тасдиқлаш, ғолиб ва совриндорлар ҳамда рағбатлантирувчи ўринлар миқдорларини белгилаш, шунингдек танловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш вазифаларини амалга оширувчи коллегиял орган;

**фойдаланувчи** — махсус электрон платформадан рўйхатдан ўтган ҳамда танловда иштирок этаётган материалларни муҳокама қилиб, баҳо берувчи жисмоний шахс;

**ҳакамлар ҳайъати** — танлов иштирокчиларининг аризалари билан тақдим этилган материалларни баҳоловчи экспертлар гуруҳи.

5. Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

газеталар ва журнал (ахборотнома-бюллетень)ларда чоп этилган материаллар;

телеканалларда эфирга узатилган материаллар;

радиоканалларда эфирга узатилган материаллар;

веб-сайтларда эълон қилинган материаллар.

6. Ташкилий қўмитанинг таркиби ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ тузилади.

7. Ташкилий қўмитанинг мажлислари заруратга қараб, лекин уч ойда камида бир марта ўтказилади.

8. Ҳакамлар ҳайъати ташкилотчи, шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, нодавлат нотижорат ташкилотлар, олий таълим ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг тажрибали вакилларида иборат таркибда Ташкилий қўмита томонидан тузилади.

9. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг танлов материалларини ўрганиш ва баҳолаш жараёнига аралашшига йўл қўйилмайди.

## **2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

10. «Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши материал» танлови ушбу Низомга 2-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

11. Фойдаланувчи жойлаштирилган материалларни «5» баллик тизим асосида баҳолайди ва ушбу баҳолар ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов материалларини кўриб чиқиш ва баҳолашда инobatга олинади.

12. Ташкилотчи ҳар йили март, июнь, сентябрь, декабрь ойининг 20-санасидан кейинги ойининг 1-санасига қадар танловни ўтказиш ҳақидаги эълонларни ўз расмий веб-сайти ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги саҳифаларида жойлаштиради.

13. Иштирокчи ҳар йили апрель, июль, октябрь, январь ойининг 1 — 10-саналарида (10 кун муддатда) оммавий ахборот воситаларида эълон қи-

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

линган 5 тагача материални Ташкилий қўмигага (шу жумладан, электрон тарзда) танловда иштирок этиш учун ариза билан бирга тақдим этади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

танловга тақдим этилаётган материаллар рўйхати ва уларнинг қачон ва қайси оммавий ахборот воситасида эълон қилинганлиги ҳақидаги маълумот; веб-сайтларда эълон қилинган материалларнинг фаол гиперҳаволаси;

газета, журнал (ахборотнома-бюллетень)ларда чоп этилган материалларнинг электрон (pdf) шакли;

радиоканалларда эълон қилинган материалларнинг электрон (mp3) шакли;

телеканалларда эълон қилинган материалларни видеохостингга жойлаштирган ҳолда, уларнинг фаол гиперҳаволаси.

14. Ташкилий қўмига танловга келиб тушган материалларни умумлаштириши ва энг яхши материалларни кенг жамоатчилик ва малакали мустақил экспертлар томонидан очиқ ва шаффоф усулда муҳокамаси учун платформага жойлаштирилади.

15. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳамда бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши, ушбу Низомда белгиланган тартибларга риоя қилмаслик билан боғлиқ қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, Ташкилий қўмига иштирокчиларни танловда қатнашиш имкониятидан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга, бу ҳолат тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

16. Ҳакамлар ҳайъати:

тақдим этилган материалларни ҳар йили апрель, июль, октябрь, январь ойининг 11 — 30-санасига қадар (20 кун муддатда) Ташкилий қўмига томонидан белгиланадиган талаблар (мезонлар) асосида баҳолайди;

ҳар йили май, август, ноябрь, февраль ойининг 5-санасига қадар баҳолаш яқунлари бўйича ғолиб ва совриндор деб топилган фаол журналистлар ва муаллифларни аниқлайди.

17. Ташкилотчи ҳар йили май, август, ноябрь, февраль ойининг 10-санасига қадар танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлайди ҳамда уларнинг номларини ўз расмий веб-сайти ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги саҳифаларида эълон қилади.

18. Танловда илмий-услубий мақолалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга изоҳли шарҳлар, илмий муаллифлик тадқиқотлари, услубий ишланмалар, шунингдек реклама сифатида чоп этилган материаллар иштирок этиши мумкин эмас.

19. Топширилган материаллар танлов ўтказилаётган чоракда биринчи мартаба эълон қилинган бўлиши зарур.

### **3-боб. Ташкилотчи, ташкилий қўмига ва ҳакамлар ҳайъатининг асосий вазифалари**

20. Ташкилотчи:

танловни ташкил этади ва ўтказиши;

Ташкилий қўмига фаолиятига қўмаклашади;

танлов эълони, жараёнлари ва яқунлари ҳақидаги ахборотларни махсус

электрон платформа ҳамда ўз расмий веб-сайти ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги саҳифаларида эълон қилиб боради;

танлов ғолиб ва совриндорларини рағбатлантиради;

ҳакамлар ҳайъати аъзолари меҳнатига ҳақ тўлайди.

21. Ташкилий қўмита:

ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди, заруратга кўра, ҳакамлар ҳайъати таркибига ўзгартиришлар киритади;

ноҳолис ёндашув, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўради;

танлов бўйича келиб тушган мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқади;

ғолиб ва совриндорларни саралашда ҳакамлар ҳайъати томонидан адолатлилик, шаффофлик мезонларига риоя қилинишини таъминлайди;

танловга келиб тушган материалларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

танлов иштирокчиларининг ҳакамлар ҳайъати қарорлари устидан шикоятларини кўриб чиқади.

22. Ҳакамлар ҳайъати:

материалларни адолатлилик, шаффофлик мезонларига риоя қилган ҳолда профессионал талаблар асосида кўриб чиқади ва баҳолайди;

ғолиб ва совриндорларни аниқлайди ҳамда тегишли қарор қабул қилади;

ноҳолис ёндашув, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймаслик, натижалар эълон қилингунга қадар унинг сир сақланишини таъминлаш чораларини кўради.

#### **4-боб. Танлов ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш тартиби**

23. Танлов ғолиб ва совриндорлари ҳар бир йўналиш бўйича биттадан 1, 2 ва 3-ўринлар ҳамда ҳар бир йўналиш бўйича 5 тадан 22 тагача рағбатлантирувчи ўринларни баҳолаш мезонлари асосида аниқлаш орқали белгиланади.

Бунда, рағбатлантирувчи ўринларнинг энг кўп сони (бирок 22 тадан ошмаган миқдорда) ҳакамлар ҳайъати томонидан танловга тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижалари асосида аниқланади.

24. Ғолиблар ва совриндорлар қуйидагича рағбатлантирилади:

ҳар бир йўналиш бўйича 1-ўринга — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида;

ҳар бир йўналиш бўйича 2-ўринга — базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари миқдорида;

ҳар бир йўналиш бўйича 3-ўринга — базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдорида;

ҳар бир йўналиш бўйича рағбатлантирувчи ўринга — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида.

25. Танловни ташкил этиш, ўтказиш, ғолиб ва совриндорларни мукофотлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш

жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси орқали қопланади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

26. Танловга тақдим этилган материаллар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига иштирокчи жавобгар ҳисобланади.

27. Танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар Ташкилий қўми-тага шикоят қилишлари мумкин.

28. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 26 июндаги 262-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **Оммавий ахборот воситалари ходимларининг хорижий тилларни ўрганиш ҳамда хорижий тиллар бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиш учун имтиҳон топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом оммавий ахборот воситаларида камида бир йил давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган ҳамда халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган журналистлар ва таҳририят ходимларига (аввал хорижий тиллар бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлган, шунингдек хорижий тиллар бўйича олий маълумотли ходимлари бундан мустасно) хорижий тилларни ўрганиш харажатларини қисман, имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Оммавий ахборот воситаларида камида бир йил давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган ходимларнинг имтиҳон топшириш харажати қоплаб бериладиган халқаро имтиҳон тизимлари рўйхати ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ тасдиқланади.

3. Оммавий ахборот воситаларида камида бир йил давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган ходимларнинг (кейинги ўринларда — ОАВ ходимлари) хорижий тилларни ўрганиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаган қисми компенсация қилинади.

Бунда, улар хорижий тиллар бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификат (кейинги

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўринларда — сертификат)га эга бўлиши ҳамда нодавлат таълим ташкилотида ўқиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни исботловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

4. Оммавий ахборот воситаларида камида бир йил давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган ОАВ ходимларига сертификатга эга бўлиш учун имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ компенсация қилинади.

5. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза берувчи** — Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган, ўқув курсларида хорижий тилларни ўрганиш мақсадида ўз ходимларини ўқитган ҳамда ўқитиш якунларига кўра ходимлари сертификатни олган оммавий ахборот воситалари;

**верификация** — ариза берувчи томонидан тақдим этилган сертификатнинг ҳақиқийлигини масъул ваколатли ташкилотнинг электрон тизими орқали текшириш;

**имтиҳон топшириш харажати** — имтиҳонни ташкил этиш ваколатига эга хорижий ташкилотлар томонидан белгиланган Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи расмий тўлов миқдори;

**компенсация** — ариза берувчига ўқитиш ва имтиҳон топшириш харажати қоплаб берувчи томонидан қоплаб бериладиган, имтиҳон топшириш, ўқитиш харажати суммаси (мазкур компенсация масъул ваколатли хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли вакили томонидан белгиланадиган имтиҳон топшириш билан боғлиқ қўшимча тўловларни ўз ичига олмайди);

**масъул ваколатли ташкилот** — имтиҳонни ташкил этишга ваколатли хорижий ташкилот ёки унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли вакили бўлган юридик шахс;

**махсус тақдимнома** — хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотлари билан имзоланган шартномалар, тўлов ҳужжатлари асосида шакллантирилган оммавий ахборот воситалари томонидан тасдиқланадиган ҳамда масъул ваколатли ташкилотлар томонидан бериладиган, махсус серия рақамига эга имтиҳон натижасини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

**оммавий ахборот воситаси** — оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари.

6. Ариза берувчи ўз ходими ушбу Низомга асосан компенсациядан фойдаланишни режалаштирган бўлса, бу ҳақда ариза берувчи ўз ходими хорижий тилларни ўрганишни бошлаган кунидан бошлаб ўн кун муддат мобайнида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини (кейинги ўринларда — Агентлик) ёзма равишда хабардор қилади. Бунда, қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:



ОАВ ходими хорижий тилларни ўрганишни бошлаган хорижий тилларни ўрганиш бўйича нодавлат таълим ташкилот номи, юридик манзили, телефон рақамлари;

хорижий тилларни ўрганишни бошлаган ходимнинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган йили, оммавий ахборот воситаси тахририятида асосий иш жойи бўйича ҳақиқатда иш бошлаган санаси ва лавозими, телефон рақами;

ўқув курснинг бошланиш ва якунланиш муддати ҳамда нархи.

7. Хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган ўқув курслари хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқиш харажатлари ҳамда имтиҳон бўйича юқори балл (даража) олган ОАВ ходимларига имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш бўйича:

а) ариза берувчи ўз ходимларини хорижий тилларни ўрганиш бўйича нодавлат таълим ташкилотидида ўқиш харажатларини ҳамда сертификат олиш учун имтиҳон харажатларини қоплаш юзасидан сўровномани тўлдириб Агентликка юборади;

б) Агентлик:

ариза берувчидан ОАВ ходимларини асосий иш жойи бўйича ҳақиқатда ишлаётганлиги, ўқитиш юзасидан тузилган, икки томонлама тасдиқланган шартномалар, тўлов ҳужжати, хизмат бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа зарур ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

заруратга кўра, ОАВ ходимларини хорижий тилларни ўрганиш бўйича нодавлат таълим ташкилотининг ўқув курсларида ҳақиқатдан ўқиганлигини шунингдек аввал сертификатга эга бўлмаганлигини ўрганади;

сертификатни верификациядан ўтказиши ёки сертификатнинг ҳақиқийлигини масъул ваколатли хорижий ташкилот орқали тасдиқлатиб олади;

ҳақиқийлиги тасдиқланган ўқиш харажатлари ва сертификат эгаси бўлган ариза берувчиларнинг электрон реестрини шакллантиради, ушбу электрон реестрни ва унга мувофиқ компенсация маблағларини ариза берувчининг ҳисобварағига ўтказиши.

## **2-боб. Хорижий тилларга ўқитиш ва сертификат олиш учун имтиҳон харажатларини компенсация қилиш тартиби**

8. Хорижий тилларга ўқитиш ва сертификат олиш учун имтиҳон харажатларини компенсация қилиш ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

9. Хорижий тилларга ўқитиш ва сертификат олиш учун имтиҳон харажатлари Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади, заруратга кўра, ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилади.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



10. Ариза берувчи сўровномани ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ тўлдиради ва унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

а) ОАВ ходимининг хорижий тилни ўқиганлигини тасдиқловчи шартнома ва тўлов ҳужжати нусхаси ёки имтиҳон топшириш харажати тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси, ўқиш натижасида олган сертификати нусхаси;

б) сертификат нусхаси.

11. Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига ариза берувчи масъул ҳисобланади.

12. Ариза берувчи томонидан сўровномага нотўғри маълумот киритилиши сўровномани рад этиш учун асос ҳисобланади.

13. Ариза берувчи харажатларни компенсация қилишнинг ҳар қандай босқичида уни олишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

14. Қуйидаги шартлар тўлиқ бажарилганда, ариза берувчига мазкур Низомда назарда тутилган компенсация тўлаб берилади:

ОАВ ходимлари ҳақиқатда хорижий тилларга ўқитиш ташкилотларининг ўқув курсларида хорижий тилни ўрганиш бўйича ўқиб, ўқув курсини тўлиқ яқунлаганидан кейин уч ойдан кўп бўлмаган муддатда имтиҳон топшириш натижаларига кўра сертификатга эга бўлганда;

имтиҳонларнинг бири ёки бир нечтаси бўйича имтиҳон топшириш харажати компенсация қилиниши учун тўпланиши лозим бўлган юқори балл — В2 ва ундан юқори (даража)нинг минимал кўрсаткичи қайд этилганда;

ўқиш ёки сертификат берилган санадан бошлаб 1 календарь йил ўтмасдан компенсация тўлашни сўраб ушбу Низомда белгиланган тартибда мурожаат қилганда;

ўқиш ёки сертификатда кўрсатилган имтиҳон натижасининг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги Агентлик томонидан тасдиқланганда.

15. Агентлик ариза берувчининг сўровномаси келиб тушганидан бошлаб:

йигирма кун ичида ОАВ ходимларини хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларида ҳақиқатда ўқиганлигини ўрганади;

ўн беш кун ичида ариза берувчининг сўровномаси келиб тушган пайтдан бошлаб сертификатни верификациядан ўтказди.

Агар сертификатнинг ҳақиқийлигини верификация орқали аниқлашнинг имкони бўлмаса, Агентлик имтиҳон ташкил этишга масъул ваколатли ташкилотга сертификатнинг ҳақиқийлиги бўйича сўров юборади. Бундай ҳолатда сертификатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлатиш муддати ўттиз кунга узайтирилади.

16. Қуйидаги ҳолатларда:

ўқитиш харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақиқий эмаслиги ёки ОАВ ходими аввал сертификатга эга бўлганлиги аниқланганда;

верификация ёки ваколатли хорижий ташкилотга юборилган сўров натижасига кўра сертификатнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганда;

ваколатли хорижий ташкилотга юборилган сўровга жавоб олинмаганда

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агентлик томонидан ўқитиш ёки сертификатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш рад этилади ва компенсация тўланмайди.

17. Агентлик томонидан масъул ваколатли ташкилотга юборилган сўровга 30 кун муддатда жавоб олинмаганда, шунингдек, сертификатнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги ҳақида кечикиб жавоб олинганда Агентлик бу ҳақда ариза берувчини хабардор қилади.

Бунда, сертификатнинг ҳақиқийлиги масъул ваколатли ташкилот томонидан 30 кун муддат ўтиб тасдиқланганда, ариза берувчи ушбу Низом талабларига мувофиқ такроран мурожаат этмасдан унга компенсация тўлаб берилади.

18. Муқаддам айнан бир ходим учун ўқиш ёки имтиҳонларнинг бир тури бўйича имтиҳон топшириш харажати компенсациясини олган ариза берувчига имтиҳонларнинг ушбу тури бўйича такроран топширилган имтиҳон харажати қопланмайди.

Муқаддам айнан бир ходим учун имтиҳонларнинг бир тури бўйича имтиҳон топшириш харажати компенсациясини олган ариза берувчи имтиҳонларнинг бошқа тури бўйича минимал кўрсаткич ёки ундан юқори натижа қайд этса, унга ушбу Низом талабларига мувофиқ компенсация тўлаб берилади.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. Агентлик томонидан молиялаштириладиган муддатда ариза берувчи ўз фаолиятини тўхтатган ёки ОАВ ходимлари билан асосий иш жойи тўғрисидаги меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда харажатлар компенсация қилинмайди.

20. Ариза берувчи ушбу Низом талаблари ижроси бўйича Агентлик ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

21. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 26 июндаги 262-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан даврий босма нашрлар,  
китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига электрон тарзда обуна  
бўлиш ҳамда даврий босма нашрлар учун обуна харажатларининг  
бир қисмини қайтариб бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Обуна» ягона электрон платформаси ва унинг мобил иловаси (кейинги ўринларда — Платформа) орқали даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига обуна бўлиш ҳамда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп, болалар учун мўлжалланган даврий босма нашрларга (кейинги ўринларда — даврий босма нашрлар) обуна харажатларининг бир қисмини қайтариб бериш тартибини белгилайди, реклама хусусиятига эга бўлган даврий босма нашрлар бундан мустасно.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бююртма** — даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига масофадан туриб электрон тарзда обуна бўлиш ва обунани етказиб бериш жараёни;

**етказиб берувчи ва тарқатувчи субъектлар** — даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларини обуначига етказиб берувчи юридик шахс;

**обуначи** — Платформада обуна хизматларидан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтган жисмоний шахс;

**обуна каталоги** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудда тарқатиладиган даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари номларининг белгиланган тартибда тузилган рўйхати;

**Платформа** — даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига масофадан туриб электрон тарзда обунани ташкил этиш учун ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси, бошқа тегишли вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари, шунингдек, тўлов тизими операторларининг ахборот тизимлари, даврий босма нашрлар таҳририятлари, ноширлик ва матбаа ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграциялашган дастурий таъминот ҳамда унинг мобил иловаси;

**Платформа оператори** — Платформани яратиш, унинг функционал имкониятларини такомиллаштириб бориш ва техник қўллаб-қувватлаш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятига, шунингдек, даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларини тарқатувчи субъектлар, тўлов тизимлари ва солиқ органларининг электрон тизимларига интеграция қилиш ҳуқуқига эга

бўлган юридик шахс — «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор «UZINFOCOM» масъулияти чекланган жамияти;

**Платформа иштирокчилари** — обуначилар ҳамда ноширлик ва матбаа ташкилотлари, уларни етказиб берувчи ва уларни тарқатувчи субъектлар;

**шахсий кабинет** — Платформада обуна хизматларидан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтган жисмоний шахсга очиладиган, фақат ўзи кириши мумкин бўлган шахсий саҳифа;

**QR-кодли чек** — сотилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги фискал белгили чек.

3. Жисмоний шахслар томонидан Платформа орқали амалга оширилган даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қоплаш учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилади.

Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан Платформа операторининг махсус очилган ҳисобварағига ўтказиб берилади.

4. Платформа оператори обуначиларга Платформа орқали амалга оширилган даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтаришни ушбу Низомнинг 3 ва 4-боблари талаблари асосида амалга оширади.

5. Мазкур Низомнинг даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш билан боғлиқ қоидалари 2026 йил 1 январга қадар амал қилади.

## **2-боб. Платформа орқали рўйхатдан ўтиш ҳамда даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига обуна бўлиш тартиби**

6. Платформа орқали даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига обуна бўлиш ҳамда даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш мазкур Низомга иловада\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Обуначи Платформада рўйхатдан ўтади.

Платформада рўйхатдан ўтиш учун обуначининг шахсини тасдиқловчи маълумотлар (Ф.И.О, обунани етказиб беришнинг аниқ манзили, мурожаат учун телефон рақами ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар) Платформага киритилади.

8. Обуначи даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига Платформа орқали обуна бўлади.

9. Обуначи ҳамда даврий босма нашр таҳририятлари, ноширлик ва матбаа ташкилотлари ўртасида даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига электрон обуна бўйича муносабатлар оммавий оферта шартномаси орқали расмийлаштирилади.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Обуначи оммавий оферта шартномаси шартларини қабул қилиши билан бирга электрон обуна бўйича барча зарур ва ишончли маълумотлар билан таъминланганлигини тасдиқлайди ҳамда Платформа орқали даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари учун обунага буюртма беради.

11. Обуначиларга Платформада маълум бир даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига обуна бўлиш учун доимий равишда янгиланиб бориладиган обуна каталоги таклиф этилади. Бунда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп ҳамда болалар учун мўлжалланган нашрлар рўйхати алоҳида шакллантирилади.

12. Буюртма расмийлаштирилиши қуйидаги тартибда амалга оширилади: обуна каталоги бўлинмасида «Даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари» тугмаси танланади, бунда, маълум бир мавзуда ҳамда тури бўйича — босма ёки электрон кўринишда даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари танлаб олинади;

танланган нашрнинг обуна даври белгиланади ва унинг тавсифи билан таништирилади, ундан кейин нашрни саватга қўшиш учун «Буюртма савати» тугмасига босилади;

агар обуначи томонидан бошқа даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига обуна бўлиш истаги бўлмаса, унда буюртма саватида «Буюртмани расмийлаштириш» тугмаси босилиши лозим. Бунда, даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига обуна тўловлари фақат Платформада рўйхатдан ўтган обуначилар томонидан амалга оширилади;

обуначи буюртманинг жами тўлов миқдорини Платформада таклиф қилинган тўлов усулларида (тўлов тизимлари, тижорат банкларнинг мобил иловалари ва бошқа электрон тўлов усуллари) бирини танлаган ҳолда амалга оширади;

обуначи томонидан обуна буюртмасини етказиб бериш усули обунани расмийлаштириш карточкасида белгилаб ўтилади;

обуначи ўзининг шахсий кабинетига обуна тўловлари муваффақиятли ўтганлиги тўғрисидаги QR-кодли тўловни тасдиқловчи ҳужжатни юклаб олади;

даврий босма нашр таҳририятлари, ноширлик ва матбаа ташкилотлари, шунингдек, етказиб берувчи ва уларни тарқатувчи субъектлар даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига обуна расмийлаштирилганлигини обуначининг шахсий кабинетига буюртма расмийлаштирилганлиги тўғрисида хабарни юбориш орқали тасдиқлайди.

13. Даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларини мижозларга етказиб бериш юзасидан жавобгарлик даврий босма нашр таҳририятлари, ноширлик ва матбаа ташкилотларига юкланади.

Даврий босма нашр таҳририятлари, ноширлик ва матбаа ташкилотлари мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларини ўзи ёки уларнинг етказувчи ва тарқатувчи субъектлари билан имзоланган шартнома асосида етказиб бериши мумкин.

Етказувчи ва уларни тарқатувчи субъектлар қуйидаги ҳолларда обуначига обуна етказилмаганлиги ва/ёки ўз вақтида етказилмаганлиги учун жавобгар эмас:

обуначи томонидан обунани етказиб бериш манзили нотўғри кўрсатилган бўлса;

обунани етказиб бериш манзилига обунанинг етказилиши, хавфсизлиги ва ишончилигини таъминлаш имкони бўлмаганда;

обунани етказиб бериш имконияти бўлмаганда, яъни енгиб ўтиш мумкин бўлмаган кучга эга ҳолатлар ёки ҳодисалар (форс-мажор) юзага келганда.

14. Даврий босма нашр таҳририятлари, ноширлик ва матбаа ташкилотлари даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларининг белгиланган назорат муддатларида етказиб берилишини таъминлайди ҳамда шу куннинг ўзида бу тўғрисида Платформага маълумот киритади. Даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари обуначига белгиланган муддатдан кеч етказилиши ёки етказиб берилмаслиги сабаблари ҳам Платформада қайд этиб борилади.

### **3-боб. Платформа орқали даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш шартлари ва миқдори**

15. Платформа орқали даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш қуйидаги миқдорларда амалга оширилади, реклама хусусиятига эга бўлган даврий босма нашрлар бундан мустасно:

ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп даврий босма нашрлар — обуна нархининг 10 фоиз миқдори;

болалар учун мўлжалланган даврий босма нашрлар — обуна нархининг 20 фоиз миқдори.

16. Даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш обуна каталогида мавжуд маҳсулотлар учун қўлланилади.

17. Даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисми, улар расмийлаштирилгандан сўнг обуначиларнинг банк карталарига бир ой муддатда ўтказиб берилади (қайтарилади).

18. Платформа орқали даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой этиб белгиланади. Бунда, обуначи даврий босма нашрларга бир ойдан кўп муддатга обуна бўлган тақдирда, обуна муддати тугагунга қадар, ҳисоб-китоб ҳар ойда амалга оширилади.

19. Обуначи ташаббуси билан обуна буюртмаси бекор қилинганда обуна харажатларининг бир қисми қайтарилмайди.

20. Бекор қилинган обуна буюртмаси учун маблағлар обунани бекор қилиш бўйича сўров юборилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида даврий босма нашр таҳририятлари, ноширлик ва матбаа ташкилотлари томонидан обуначининг банк картасига ёки электрон ҳамёнга (кошелек) қайтарилади ёхуд тўловчининг тижорат банкидаги жорий ҳисобварағига ўтказилади. Маблағларни жорий ҳисобвараққа ўтказишда аризада банк реквизитлари кўрса-

тилади ва маблағ қайтарилганлиги обуначининг тизимдаги шахсий кабинетидида ҳисобвараққа юборилган чек орқали тасдиқланади.

#### **4-боб. Платформа орқали даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш тартиби**

21. Платформа орқали даврий босма нашрларга обуна харажатларининг қайтариладиган миқдори обуначининг шахсий кабинетидида даврий босма нашрларга обуна расмийлаштирилган санадан бошлаб бир ой ўтганидан кейин шакллантирилади.

22. Платформа орқали даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисми қайтариладиган обуначилар рўйхати ва қайтариладиган маблағ миқдори автоматик равишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларида акс эттирилади.

23. Обуначи шахсий кабинетда даврий босма нашрларга обуна харажатларининг қайтариладиган қисмини олиш учун «Обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш» тугмасини босган ҳолда буюртма беради. Бунда, обуначи томонидан қайтариладиган маблағларни ўтказиб бериш учун банк картаси кўрсатилади.

24. Платформа оператори обуначининг обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш бўйича буюртмалари асосида маблағларни кўрсатилган банк картасига ўтказиб беради.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

25. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси Платформа орқали обуна бўлишда даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларини тарқатиш соҳасида қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини назорат қилади.

26. Ушбу Низом талабларини бузган обуначи, даврий босма нашр таҳририятлари ёки ноширлик ва матбаа ташкилотлари, шунингдек, етказиб берувчи ва уларни тарқатувчи субъектларнинг Платформадан фойдаланишига чеклов (вақтинча чеклов) ўрнатилади.

27. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 26 июндаги 262-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини яратиш, уларни модернизация қилиш ва бир йил давомида юритиш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганига камида икки йил бўлган даврий босма нашрлар ўртасида танлов ўтказиш орқали босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини, шу жумладан, мобил иловаларини яратиш, уларни модернизация қилиш ва бир йил давомида юритиш харажатларини қоплаш тартибини белгилайди.

Бунда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мақсадлар учун ҳар йили энг яхши 20 та лойиҳани аниқлаш бўйича танлов эълон қилинади ҳамда голиб деб топилган лойиҳаларга Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратилади.

2. Мазкур Низом 2026 йил 1 январга қадар амал қилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**буюртмачи** — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги;

**даврий босма нашр** — оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда олти ойда камида бир марта нашр этиладиган, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган газета, журнал, ахборотнома, бюллетень;

**даврий босма нашр муассис(лар)и ва (ёки) таҳририятининг лойиҳаси** (кейинги ўринларда — лойиҳа) — даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини яратиш, уларни модернизация қилиш ва бир йил давомида юритиш харажатлари мақсадли сарфланишини ўзида акс эттирувчи маълумотлар ва чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олган ҳужжат;

**талабгор** — танловда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган даврий босма нашр;

**талабнома** — танловда иштирок этиш учун талабгор томонидан тақдим этиладиган ҳужжат;

**танлов** — давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганига камида икки йил бўлган даврий босма нашрлар орасидан уларнинг замонавий электрон шаклини, шу жумладан, мобил иловаларини яратиш, модернизация қилиш ва бир йил давомида юритиш харажатларини қоплаш мақсадида ҳар йили энг яхши 20 та лойиҳани саралаб олиш жараёни;

**танлов шартномаси** (кейинги ўринларда — шартнома) — буюртмачи



ва танловда ғолиб деб топилган даврий босма нашр муассис(лар)и ва (ёки) тахририяти ўртасида тузиладиган битим;

**ташкилий қўмита** — талабгор томонидан танловда иштирок этиш учун тақдим этилган лойиҳаларни баҳолаш ва танлов ғолибларини аниқлаш, шунингдек танловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш вазифаларини амалга оширувчи коллегиял тузилма.

## **2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

4. Танлов мазкур Низомга 1-иловадаги\* схемага мувофиқ ўтказилади.

5. Танловда иштирок этиш учун талабгор мазкур Низомга 2-иловада\* белгиланган шаклга мувофиқ талабнома тақдим этади.

6. Танловда қўйидагиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:  
давлат органлари ва ташкилотлари муассис бўлган даврий босма нашрлар;

талабнома топширилган кунга қадар сўнгги уч ой давомида ҳар бир сонининг адади 300 нусхадан кам бўлган даврий босма нашрлар;

талабнома топширилган кунга қадар сўнгги олти ой давомида чоп этилмаган даврий босма нашрлар;

чет эл даврий босма нашрлари.

7. Ушбу Низомга мувофиқ танлов ғолиби деб топилган даврий босма нашрнинг мазкур танловда қайта иштирок этиши тақиқланади.

8. Ташкилий қўмита талабномаларни даврий босма нашрларнинг муассислари ва (ёки) бош муҳаррирлари томонидан имзоланган ҳамда муҳрланган ҳолда қабул қилиб, танловда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш ва унга идентификация рақами беради.

9. Буюртмачи ҳар йили 30 июнга қадар танлов ўтказиш тўғрисидаги маълумотни ўз расмий веб-сайтига, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги саҳифаларига жойлаштиради ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон беради.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон буюртмачининг расмий веб-сайти ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги саҳифаларида талабномаларни шакллантириш, рўйхатдан ўтказиш ва топшириш тартиби ҳамда муддатлари кўрсатилган ҳолда жойлаштирилади.

10. Талабгор ҳар йили 30 июлга қадар танловда иштирок этиш тўғрисида талабнома топширади.

11. Ташкилий қўмита ҳар йили 1 — 20 август кунлари:

талабгор томонидан тақдим этилган талабнома ва унга илова қилинган лойиҳаларни рўйхатга олади ҳамда ушбу Низомнинг 17-бандида белгиланган мезонлар асосида саралайди;

талабгор томонидан тақдим этилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва ғолибларни аниқлайди;

ғолибларни аниқлаш бўйича йиғилиш баённомаси имзолайди.

12. Танлов эълон қилинган муддат ичида келиб тушган талабномалар

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкилий қўмита томонидан рўйхатга олинади ва у буюртмачи архивида беш йилгача сақланади.

### **3-боб. Ташкилий қўмита фаолиятини ташкил этиш**

13. Ташкилий қўмита мазкур Низомга 3-иловага\* мувофиқ таркибда тузилади.

Бунда, йиғилиш Ташкилий қўмита аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда, ваколатли ҳисобланади.

Ташкилий қўмита қарори баённома шаклида расмийлаштирилади.

14. Ташкилий қўмита:

танловга ажратилган маблағ миқдорини белгилаш юзасидан харажатлар сметасини (базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган миқдорда) ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

танлов ғолибини аниқлаш бўйича баённома расмийлаштиради;

танловга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

танлов ғолибларининг ҳисоботларини қабул қилади;

танловга келиб тушган барча талабномаларни экспертизадан ўтказиши;

тақдим этилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини, зарур имзо (муҳр ва штамплар)нинг мавжудлигини, ноаниқликлар йўқлигини ўрганади; тақдим этилган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларни ўрганади.

### **4-боб. Танлов ғолибини аниқлаш мезонлари**

15. Танлов ғолиби ташкилий қўмита йиғилиши аъзоларининг очиқ овоз бериши йўли билан аниқланади.

Битта талабгорга ташкилий қўмита йиғилиши аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда, ушбу талабгор танлов ғолиби деб эълон қилинади.

16. Ғолибни аниқлаш жараёнида тақдим этилган ҳужжатлар юзасидан ахборот соҳасидаги тажрибали экспертлардан фикр олиниши мумкин.

17. Танловга 20 тадан ортиқ талабгор талабнома топширганда, ғолиблар ташкилий қўмита томонидан қўйидаги мезонлар асосида саралаб олинади:

даврий босма нашр чиқарилаётган муддат, унинг адади ва саҳифалари сони;

даврий босма нашр бош муҳаррирининг меҳнат стажи ва тажрибаси;

таҳририят штатида турган, материалларни тўплаш, таҳлил ва таҳрир қилиш ҳамда тайёрлаш билан шуғулланувчи ходимлар сони ва уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлиги;

даврий босма нашр таҳририяти штатида компьютер дастурчиси ёки ижтимоий тармоқ маркетинги бўйича мутахассис мавжудлиги;

талабгор аввал давлат ижтимоий буюртмасини олганлиги ва уни сифатли бажарганлиги.

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**5-боб. Буюртмачи ва танлов ғолиби ўртасида шартнома**

18. Танлов ғолибига маблағ ажратиш ташкилий қўмитанинг танлов ғолиби кўрсатилган йиғилиш баённомаси имзоланган санадан эътиборан ўн кун муддат ичида буюртмачи раҳбари буйруғи асосида ғолиб билан тузилган шартнома орқали унинг ҳисобварағига белгиланган миқдорда маблағ ўтказиш орқали амалга оширилади.

19. Шартнома қуйидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак:  
танловнинг мақсади;

танлов шартлари ва ушбу шартларни амалга ошириш муддатлари;

танловга ажратилган маблағ миқдори;

маблағ билан таъминлаш муддатлари;

танловга ажратилган маблағдан мақсадли фойдаланиш юзасидан назорат шакллари;

ҳисобот бериш муддатлари ва шакллари.

20. Агар танловда ғолиб деб топилган даврий босма нашр шартнома-ни имзолашдан бош тортса ёки танловни ўтказиш давомида ўз фаолиятини тугатган ёхуд қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган бўлса, буюртмачи танловда иштирок этган ва юқори баҳо олган кейинги иштирокчига шартнома имзолашни таклиф этишга ҳақли.

21. Танлов ғолиби лойиҳадаги талабларни танловга тақдим этилган ҳужжатларда белгиланган муддат ва шартларда амалга оширмаган тақдирда, буюртмачи томонидан талабгорга ажратилган маблағни суд орқали ундириш чоралари кўрилади.

**6-боб. Яқунловчи қоидалар**

22. Лойиҳа молиялаштирилгандан сўнг кўпи билан олти ой ичида амалга оширилиши шарт.

23. Танлов ғолиби шартнома асосида Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

24. Танлов учун ажратилган маблағдан тўғри ва мақсадли фойдаланиш, шунингдек, шартномада келишилган шартларни бажариш учун даврий босма нашрнинг муассиси ва (ёки) бош муҳаррири жавобгар бўладилар.

25. Танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар қонунчиликка мувофиқ юқори турувчи органга ёки судга мурожаат қилишлари мумкин.

26. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**264** Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш, мазкур йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини янада ошириш, ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қўйидагилар:

2023 — 2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2023 — 2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

«йўл харитаси»да масъул ижрочи сифатида белгиланган вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари тегишли топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

«йўл харитаси»нинг масъул ижрочилари тегишли чора-тадбирлар бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ҳар чорак якунида ҳисобот тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Концепция ва «йўл харитаси» ижросини назорат қилиш учун масъул ҳисобланади, белгиланган топшириқларнинг масъул ижрочилар томонидан амалга оширилиши устидан мониторинг юритади, амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашига ҳар чоракда умумлаштирилган ҳисобот тақдим этади;

масъул ижрочилар ҳар йили 20 январга қадар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича «йўл хариталари»нинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Мудофаа вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда умумтаълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилишини янги босқичга олиб чиқиш бўйича 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

## 4. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий ахбо-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 июлда эълон қилинган.

рот агентлиги ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кенг ёритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Б.Н. Курбанов ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 29 июнь,  
267-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 29 июндаги 267-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**2023 — 2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик  
руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даврида, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролли можаролар ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда.

Айнан шундай шароитда мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик, шу жумладан, ҳарбий-ватанпарварлик, юсак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини чуқур сингдириш, «Халқ ва армия — бир тану, бир жондир!» деган эзгу ғоя асосида ёшлар тарбиясига масъул вазирлик ва идораларнинг куч ва имкониятларини бир ғоя, бир мақсад асосида бирлаштириш талаб этилмоқда.

2. 2023 — 2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари асосида ишлаб чиқилган ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

3. Ҳар қандай оғир ва мураккаб вазиятда Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шуҳратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат, шунингдек, миллий қадриятлар асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали ватанпарвар, садоқатли ҳамда шижоатли ёшларни камол топтириш Концепциянинг асосий моҳиятини ташкил этади.

4. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш «Ватан — улуғ, бурч — муқаддас!» концептуал ғоя остида ташкил этилиб, унда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама ривожлантириш, қатъий фикр ва эътиқодга эга шахсни шакллантириш асосий вазифа этиб белгиланади.

Мазкур ғоянинг асосий мазмун ва моҳияти ўсиб келаётган авлодда буюқ тарихимиз, азалий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, миллий руҳ ва ғурурни юксалтириш, бебаҳо бойлик — тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилиш зарурлиги каби фазилатларни шакллантириш, зарурат бўлганда, мамлакат суверенитетини ҳимоя қилишга тайёр туриш руҳида тарбиялашдан иборат.

## **2-боб. Концепциянинг мақсади ва асосий вазифалари**

5. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан боғлиқ бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқининг тақдири учун юксак масъулият ҳамда жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни мустаҳкамлашдан иборат.

6. Қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари, маънавий сифатлари ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган тарбиянинг ягона тизимини яратиш;

ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу-шуурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини чуқур сингдириш;

буюқ тарихимиз, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий мероси, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг жаҳон цивилизацияси ҳамда ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссаларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш;

Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз кўрсатган ватанпарварлик ва қаҳрамонлик, улардаги садоқат, фидойилик, матонат ҳамда жасорат каби хислатларни, шунингдек, юрт, оила, ота-она ва фарзандлар ҳимояси халқ ва аждодлар хотираси олдида муқаддас бурч эканини ёшлар онгига сингдириш;

ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон

ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш;

худудларда туркум ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ҳамда «Жасорат мактаби» номли ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинларини ўтказиш орқали ёшлар онгида миллий армиямизга бўлган ишонч ва ҳурматни янада ошириш, ҳарбий хизматни ўташ Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи эканлиги ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш;

умумтаълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилишининг сифатини ошириш, ўқув-моддий базани мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратиш ҳамда шу орқали ўқувчи ёшларда ҳарбий хизмат, уни ўташнинг ҳуқуқий асосларига оид билимлар ва бошланғич ҳарбий тайёргарлик даражасини ошириш;

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар оmmasига кенг етказиш;

ёшларда аждодларимиз ва ота-боболаримизнинг Ватанни ҳимоя қилишга оид анъана ва кадриятларига садоқатли бўлиш хусусиятларини шакллантириш;

Ватанни ҳимоя қилиш, уни асраш тўғрисидаги замонавий тушунчаларни, дунёқарашни, мазкур масала бўйича шахсий эътиқодни шакллантириш ва мустаҳкамлаб бориш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг маънавий-руҳий тайёргарликларини оширишга ёрдам берувчи таълим-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.

### **3-боб. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими ва унинг асосий принциплари**

7. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — бу миллати, тили ва касбидан қатъи назар, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг кўп босқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолиятидир.

8. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими узлуксиз жараён бўлиб, у бир-бирига боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий, маданий-маърифий тадбирлар мажмуасидан иборат.

9. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг (кейинги ўринларда — Қуролли Кучлар) умумҳарбий низомлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.



10. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими қуйидагилардан иборат:

таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик кадриятларни, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ишларни амалга оширадиган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари;

оммавий ва ҳарбий-ватанпарварлик ишларини амалга оширадиган давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар.

11. Қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий принциплари ҳисобланади:

илмийлик;

тарихийлик;

аниқлик ва тезкорлик;

мунтазамлик;

фаоллик;

таълим ва тарбия ишларининг уйғунлиги;

тарбия жараёнининг изчиллиги;

ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш.

#### **4-боб. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг объектлари ва субъектлари, усул ва шакллари**

12. Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими, Маданият ва туризм, Ёшлар сиёсати ва спорт, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳарбий-маъмурий секторлар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг асосий субъектлари ҳисобланади.

13. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, таълим муассасалари ўқувчи ва талаба ёшлари, маҳаллалардаги уюшмаган, профилактик ҳисобда турувчи ҳамда тарбияси оғир ёшлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаётган ёш ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг асосий объектлари ҳисобланади.

14. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усуллари ёшларда зарур ҳаётий билим, кўникма, маҳорат ва мустақам иродани, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган, уларнинг онги, руҳияти ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган омиллардан иборат.

Қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг усуллари ҳисобланади:

ишонтириш;

машқ қилдириш ва мустақил ишлаш;

кузатиш;

рағбатлантириш;

ўрناق кўрсатиш ва шахсий намуна.

15. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш турли шаклларда, жумладан, илмий-амалий анжуманлар, савол-жавоб кечалари, китобхонлик, ўйинлар, машҳур кишилар билан учрашувлар тарзида ва бошқа шаклларда ташкил этилади. Улар маънавий-маърифий ишларнинг ранг-баранглигини таъминлайди, пировард натижада жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Бунда қуйидаги шакллар устувор аҳамиятга эга бўлади:

маъруза ўқиш, савол-жавоб кечалари, якка ва жамоавий суҳбатлар;

бой ҳаётгий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчи ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолиб бўлган шахслар билан учрашувлар;

илмий-назарий ва амалий конференциялар, семинар-тренинглар, муайян мавзуга бағишланган кечалар, баҳс-мунозаралар, викториналар, давра суҳбатлари;

тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;

жамоатчилик фикри ва ҳарбий жамоалардаги маънавий-руҳий муҳитни ўрганиш;

телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, фильм ва мультфильмлар, бадий ва мусиқий асарлар, аскар қўшиқлари, оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар ва электрон ўйинлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

уруш ва меҳнат фахрийлари, жанговар ҳаракатлар қатнашчилари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш;

ҳарбий хизматга чақирилувчилар куни, мардлик сабоқларини ўтказиш ва экскурсиялар уюштириш.

### **5-боб. Концепцияни амалга оширишнинг босқичлари**

16. Концепцияда белгиланган тадбирлар қуйидаги беш босқичда амалга оширилади:

а) биринчи босқич (3 — 7 ёш) — шу ёшдаги болаларга хос хусусиятлар, жумладан, илк ўз туйғуларини, хатти-ҳаракатини бошқариш кўникмалари, шахсий фазилатлари асослари, ижтимоий мотивлар ва миллий анъаналарга қизиқишларининг пайдо бўлиши, ўзини намоён этиш ҳамда муваффақиятга эришиш каби эҳтиёжларини инобатга олиб, мактабгача таълим ташкилотларида ўтказилади.

Мазкур босқичда болалар билан миллий ғурур, меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилиш, давлат рамзлари, буюк аждодларимиз, тарихий обидаларимизга ҳурмат, ўзаро ёрдам, меҳрибонлик каби олижаноб фазилатларни шакллантиришга қаратилган шеър, эртақ, куй ва қўшиқларни, спорт ва миллий ўйинларни ўргатиш, театрлаштирилган сахна томошаларини намойиш этишни ўзида мужассам этган тадбирлар ўтказилади;

б) иккинчи босқич (7 — 10 ёш) — тадбирлар умумтаълим ва ихти-

сослаштирилган таълим ташкилотларининг кичик синфларида, шунингдек, ушбу тоифадаги ёшларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда маҳаллаларда ўтказилади.

Ушбу босқичда фахрланиш ҳамда Ватан ва давлат рамзларига муҳаббат, ёши катталарга ҳурмат ва иззат билан муносабатда бўлиш ҳамда миллий одат ва анъаналарни қадрлаш туйғуларини сингдириш, Ўзбекистон Республикасига дахлдорликдан фахрланиш ҳиссини ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар ўтказилади;

в) учинчи босқич (11 — 17 ёш) — тадбирлар умумтаълим ва ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг катта синфларида, шунингдек, ушбу тоифадаги ёшларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда маҳаллаларда ўтказилади.

Ушбу босқичда асосий эътибор ёшларда ҳарбий хизматга бўлган қизиқишни, Қуролли Кучларимиз билан фахрланиш туйғусини ошириш, жисмоний қобилиятларни ривожлантириш, уларни жисмонан соғлом, маънан етук, кенг дунёқарашли, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида тарбиялаш, шунингдек, ёшларни «Ватан таянчи» болалар-ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятига кенг жалб этишга қаратилади;

г) тўртинчи босқич (18 — 21 ёш) — олий таълим муассасаларининг талабалари, уюлмаган ёшлар, муддатли ҳарбий хизматчилар, контракт бўйича ҳарбий хизматга янги қақирилган ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари, шунингдек, меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган ёшларни қамраб олади.

Ушбу босқичда асосий эътибор ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобилияти, етакчилик қўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, умумий ва профессионал малакасини ошириш, уларни ўз устида мунтазам ишлаш, соғлом ҳаёт кечиришга ундаш ва шунга эришишга қаратилади.

Муддатли ҳарбий хизматчилар, контракт бўйича ҳарбий хизматга янги қақирилган оддий аскарлар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари иштирокидаги тадбирлар Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг режа ва дастурлари асосида амалга оширилади;

д) бешинчи босқич (22 — 30 ёш) — тадбирлар маҳаллалардаги уюлмаган ёшлар, меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган ёшлар, шунингдек, шартнома бўйича ёш оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибини қамраб олади.

Якуний босқичда асосий эътибор юқори даражадаги ижтимоий фаоллик, фуқаролик масъулияти, маънавиятни оширишга, ижобий қадрият ва ҳислатларга эга ҳамда уларни мамлакат манфаатлари, давлатни мустаҳкамлаш, унинг ҳаётий муҳим эҳтиёжлари ва барқарор ривожланишини таъминлаш йўлидаги яратувчанлик жараёнида намоён эта оладиган фуқароларни шакллантиришга қаратилади.

Ёш ҳарбий хизматчилар билан тадбирлар Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг режа ва дастурлари асосида амалга оширилади.

### **6-боб. Концепцияни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва ижрочиларнинг вазифалари**

17. Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси, уни амалга ошириш самарадорлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан доимий равишда мониторинг қилиб борилади ҳамда ушбу йўналишда Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар, ёшлар тарбиясига алоқадор бўлган давлат ва жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳарбий-маъмурий секторлар фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

18. Концепцияни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича тадбирлар:

буюк саркардаларимизнинг жасорати, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий мероси, яқин ва узоқ ўтмишда халқимиз кўрсатган матонат ва фидойилик, янги Ўзбекистонимиз ва миллий армиямиздаги изчил ислохотларни ёшларнинг кенг қатламларига етказиш мақсадида маҳаллаларда маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотлари;

давлат байрамлари арафасида ёшларда жасурлик, мардлик, фахр ва ифтихор туйғуларини оширишга йўналтирилган «Мардлик ва жасорат», «Тинчлик», «Мустақиллик» дарслари;

«Жиззах тажрибаси» асосида ҳарбий қисмлар базасида ёшлар учун ўқув йиғинлари;

«Мард аскар — ёшларга намуна» шиори остида ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар намойиши, ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги бўйича, ҳарбий оркестр ва бадий хаваскорлик жамоаларининг кўргазмали чиқишлари, шунингдек, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув курслари ҳамда спорт секция ва тўгаракларининг кўргазмали намойишлари;

ёшларда ватанпарварлик, юрт тинчлиги ва тараққиётга дахлдорлик туйғуларини юксалтириш мақсадида «Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» шиори остида учрашув ва суҳбатлар;

ёзги дам олиш оромгоҳларида «Ватанпарвар» карвонларини ва ўқувчи ёшлар билан «Мен албатта ҳарбий бўламан!» машғулотлари;

умумтаълим мактабларининг 10-11 синф ўқувчилари ва маҳаллалардаги уюлмаган ёшлар ўртасида ўтказиладиган ҳудудлар кесимидаги ҳарбий-спорт мусобақалари;

б) ёшларни маънавий тарбиялаш бўйича тадбирлар:

ёшларнинг кенг қатламларини жалб этган ҳолда жамиятга ёт бўлган ғоялар, ахлоқий бузуқлик ва салбий иллатларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида «Ҳар бир ёшнинг қалби ва онги учун курашамиз!» шиори остидаги маънавият фестиваллари;

ёшларнинг маънавий саводхонлигини ошириш ҳамда мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиладиган маънавият соатлари;

ёшларда ватанпарварлик (ҳарбий-ватанпарварлик) ҳиссини ошириш мақсадида маҳаллаларда бадий ва ҳужжатли фильмларнинг намойиши ва муҳокамаси;

туман (шаҳар)лар ва чегараолди ҳудудларда, истироҳат боғларида ёшлар учун ҳарбий оркестр ва ансамбль жамоалари, бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида ёшлар учун маънавият карвонлари;

ёшлар, Қуролли Кучлар фахрийлари ва ҳарбий хизматчилар иштирокида «Уч авлод учрашуви», «Эъзоз ва эҳтиром» маънавий-маърифий тадбирлар;

в) ёшларни ахлоқий тарбиялаш ва уларни спортга жалб этиш бўйича тадбирлар:

ёшларни ёт, радикал ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси остидаги давра суҳбатлари ва учрашувлар;

ҳарбий қисмлардаги ёшлар учун «Қувноқлар ва зукколар» танлови ҳамда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастурлари ва сахна чиқишлари;

ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича «5 та муҳим ташаббус» доирасидаги тадбирлар;

ёшларнинг «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси, «Шон-шараф» давлат музейи, Қуролли Кучлар Давлат музейи ҳамда вилоятларда, ҳарбий округ, ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият юритаётган музейлар, «Ватанпарварлар» боғларига ташрифлари;

ёшлар ўртасида Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ва ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарларининг соврини учун спорт мусобақалари;

миллий мерос ва қадриятларимиз, урф-одатларимизни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида миллий ўйинлар (арқон тортиш, миллий кураш, тош кўтариш, елкада кураш ва бошқалар) бўйича мусобақалар;

г) ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича профилактик тадбирлар:

ёшлар ва тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ўтказиладиган «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» умумий шиори остидаги профилактика тадбирлари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирокида ёшлар билан «Одам савдоси — давр муаммоси» мавзусида давра суҳбатлари;

тегишли идора ва ташкилотлар ходимларини таклиф этган ҳолда ёшлар иштирокида «Коррупция — тараққиёт кушандаси» мавзусида коррупциянинг олдини олишга қаратилган тадбирлар;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан «Соғлом ҳаёт учун!» шиори остида узок масофаларга юриш ва югуриш марафонларини ташкил этиш ва бошқалар.

19. Жамиятнинг фикрига таъсир кўрсатадиган тез ўзгарувчан ижтимоий жараёнларни эътиборга олиб, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан доимий равишда ёшлар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларини режалаштиришга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

20. Концепцияда белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида вазирлик ва идоралар томонидан куйидаги асосий вазифалар амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия — ёшлар сиёсатига доир давлат дастурларини амалга ошириш доирасида ёшлар билан ҳарбий-ватанпарварлик, маданий-ҳордик, маънавий-маърифий ва оммавий-спорт тадбирларини, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган тарғибот-ташвиқот, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги — олий таълим муассасаларида ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари самарали ўтказилишини ҳамда ушбу тадбирларда барча талабаларнинг тўлиқ камраб олинишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги — мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ва ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ёшини инobatга олган ҳолда, ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ташкил этилиши ва самарали ўтказилишини ҳамда ушбу тадбирларда барча тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг тўлиқ камраб олинишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги — буюк аждодлар ва алломалар ҳаёти ва фаолияти, миллий ғурур ва ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган спектакллар, сахна кўринишлари, жанговар мусиқа асарларини яратиш, ёшлар учун маданий-кўнгилочар тадбирларни ўтказиш, тарихий қадамжоларга экскурсияларни уюштириш;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги — Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан ўтказиладиган маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик, маданий-ҳордик, оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказилишида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳамда ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя этиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги — ёшларни касбга тайёрлаш (ўқитиш), бандлигига қўмаклашиш, шу жумладан, Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси — ислом динининг асл мазмун-моҳиятини етказиш, диний бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда ёт, радикал ғояларга қарши танқидий қараш ва мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган учрашувлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси — ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар ўртасида оилавий кадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган ахлоқий меъёрларни кенг тарғиб этиш, оилаларда соғлом



маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ҳарбий-маъмурий секторлар — ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида комплекс тадбирларни ташкил этиш ҳамда самарали ўтказиш мақсадида жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

21. Концепцияда белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан қуйидаги асосий вазифалар амалга оширилади:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи — ҳарбий қисм ва муассасалардаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлаш, ташаббускор, шиддатли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга, бутун куч, билим ва салоҳиятини халқ манфаати йўлида ишлатишга, мамлакат келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир ёшларнинг сафини кенгайтиришга кўмаклашиш;

Республика Маънавият ва маърифат маркази — ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатиб, уларни ғоявий жиҳатдан қарам қилишга қаратилган ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш ҳамда иродали, фидойи, ватанпарвар, мустақил фикрловчи ёш авлодни тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси — ёшларга мумтоз ва замонавий адабиётимиз мазмун-моҳиятини тушунтириш, китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда ватанпарварлик, мардлик, фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган ижодий учрашувлар ўтказиш, ватанпарварликка оид тўпламлар яратиш ва уларни кенг тарғиб қилиш;

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти — ёшларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, ёшларни баркамол шахс бўлиб вояга етказишда тегишли давлат ва жамоат ташкилотларига ёрдам кўрсатиш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касбга ўқитиш ва спортга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини кенг оммалаштиришга амалий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси — ёшлар, биринчи навбатда, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларни тарбиялашда «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойили асосида кексалар ва фахрийларнинг фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг билими, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлашда самарали фойдаланиш, ёшларни жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етиштиришга кўмаклашиш.

### **7-боб. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари таҳлили ва кутилаётган натижа**

22. Мазкур Концепция «Ватан — улуғ, бурч — муқаддас!» ғояси асосида



ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга ошири-  
лаётган ишларни мазмунан янги босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнайди.

Жумладан:

ҳарбий хизмат нуфузи ҳамда миллий Қуролли Кучларимиз билан фахр-  
ланиш ва уларнинг салоҳиятига ишонч ҳиссини шакллантириш, ёшларнинг  
ҳарбий касбни танлашга бўлган қизиқишини ошириш имконини беради;

ёшларда ижтимоий аҳамиятга эга фуқаролик туйғусини шакллантириш,  
етуклик, Ватанга муҳаббат ва бурч, миллий анъаналарга содиқлик, тарихий  
ва маданий қадриятларни сақлашга интилиш каби фазилатларни ривожлан-  
тиришга хизмат қилади;

хар томонлама ривожланган, содиқ, ватанпарвар, одил, мард ва жасур  
ёшларнинг тайёрланиши таъминланади;

ёшларда радикал ғояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитет  
шаклланади ва мустаҳкамланади;

маънавий-ахлоқий муҳит ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкам-  
лаш негизида мустаҳкам оила қуриш фазилатлари ривожланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 29 июндаги 267-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида  
тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 23 февралдаги  
140-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» 2020 йил  
23 мартдаги 179-сон қарорига илованинг 9-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» 2021 йил  
20 майдаги 320-сон қарорига 1-илованинг 12-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2022 йил 4 апрелда-  
ги 153-сон қарорига илованинг 480-банди.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

**265** «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–58-сон «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги 102-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2175, 2010 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 531-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан кучга кирилади.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 июнь,  
30-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил  
10 июндаги 30-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича  
компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ–3227-сон «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги, 2009 йил 21 декабрдаги ПФ–4158-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 14 апрелдаги ПФ–4715-сон «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**».

2. Низомда:

1) Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизмини белгилайди.»;

2) 1-бандда:

«а» ва «б» кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) 1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ва унинг қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар. Уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ва унинг қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1 ва 2-иловаларида белги-ланган;

б) ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсия ёки нафақа олувчилар;»;

«е» кичик банддаги «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«з» кичик банддан «пенсия ёшидаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 11-банддаги «1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари» деган сўзлар «1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари жами даромад таркибига киритилади ва Ўзбекистон Республикаси

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали пенсия ва нафақалар тўланадиган тартиб ва муддатларда тўланади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан пенсия олувчи пенсионерларга компенсациялар пенсияларни тўлаш муддатларида пенсия тайинланган ташкилот орқали тўланади.»;

5) 4, 6 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

6) 5-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, ушбу Низомнинг 1-банди «е» кичик бандида келтирилган имтиёзли шахслар томонидан компенсация тайинлаш тўғрисида ариза берилганда, аризага компенсация олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни илова қилиш талаб этилмайди. Мазкур шахсларнинг компенсация олиш ҳуқуқи «Электрон ҳуқумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган электрон кўринишдаги маълумотлар асосида аниқланади.»;

7) 13-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда кўрсатилган тўловлар бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари орқали амалга оширилади.»;

8) 14-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Компенсацияларни тайинлаш ва тўлаш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.».

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**266** **Avtotransport vositalari haydovchilarining ish vaqti va dam olish vaqti to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
26-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2506-1*

O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksiga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 23-avgustdagi 64-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2506, 2013-yil 9-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 37-son, 487-modda) bilan tasdiqlangan Avtotransport vositalari haydovchilarining ish vaqti va dam olish vaqti to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

Toshkent sh.,  
2023-yil 24-may,  
16-2023/B-son

**B. MUSAYEV**

O‘zbekiston Respublikasi  
kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining  
2023-yil 24-maydagi 16-2023/B-son buyrug‘iga  
ILOVA

**Avtotransport vositalari haydovchilarining ish vaqti va dam olish vaqti to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom avtotransport vositalari haydovchilarining (bundan buyon matnda haydovchi deb yuritiladi) ish vaqti va dam olish vaqtini belgilaydi.”.

2. 18-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“18. Haydovchilar bayram (ishlanmaydigan) kunlari ishlashlari man etiladi. Haydovchilarni shu kunlari ish beruvchining buyrug‘i bilan ishga jalb etishga alohida hollardagina O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 210 va 212-moddalarida nazarda tutilgan asoslar bo‘yicha va tartibda yo‘l qo‘yiladi.

Ishlanmaydigan bayram kunlarida ishlab chiqarish-texnik sharoitlarga ko‘ra (uzluksiz ishlaydigan tashkilotlar) to‘xtatib turish imkoni bo‘lmagan ishlarni

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 27-iyunda e‘lon qilingan.

(xizmatlarni), aholiga xizmat ko'rsatish zarurati yuzaga keltiradigan ishlarni, shuningdek kechiktirib bo'lmaydigan ta'mirlash va yuk ortish-tushirish ishlarini amalga oshirishga yo'l qo'yiladi.

Bayram (ishlanmaydigan) kunlari bajarilgan ishlar uchun haq to'lash O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 263-moddasiga muvofiq amalga oshiriladi.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**267** «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2700-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон «Қурол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 10 июлдаги 118-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2700, 2015 йил 23 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 29-сон, 392-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардияси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 1 июнь,  
290-сон

*Келишилди:*

**Фавқулодда вазиятлар вазири**

**А. КУЛДАШЕВ**

*2023 йил 29 май*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 июнда эълон қилинган.



Миллий гвардия қўмондони

Р. ДЖУРАЕВ

2023 йил 31 май

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2023 йил 1 июндаги  
290-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқда:

а) буйруқ номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қурол ва унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлигига, қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;**

б) буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон «Қурол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**»;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Қурол ва унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлигига, қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.»

2. Низомда:

а) низом номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қурол ва унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлигига, қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги НИЗОМ»;**

б) низом муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом махсус хизмат вазифаларига эга бўлган юридик шахс-

ларнинг, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш, қуролни ва унинг ўқ-дориларини коллекциялаш ва кўргазмага қўйиш, овчилик ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг (бундан буён матнда юридик шахслар деб юритилади) қурол ва унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлигига, қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари билан жиҳозла-нишига қўйиладиган талабларни белгилайди.»;

в) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**қурол** — тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар. Тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш мақсадидаги буюмлар сифатида сертификатланган буюмлар, шунингдек тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган спорт аслаҳалари қурол жумласига кирмайди;

**ўқ-дорилар** — қуролнинг жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш учун мўлжалланган ҳамда таркибида портловчи, порохли, улоқтирувчи, пиротехник ёки уриб чиқарадиган моддалар ёхуд уларнинг бирикмаси мавжуд бўлган қурол-яроғ ашёлари ва улоқтириладиган аслаҳаси;

**қуролхона** — қурол ва унинг ўқ-дориларини сақлашга мўлжалланган, техник жиҳатдан мустаҳкамланган, қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси ҳамда қўриқлашнинг муҳандислик-техник воситалари ва жисмоний ҳимоянинг бошқа воситалари билан махсус жиҳозланган алоҳида иншоот (омбор, хона).»;

г) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Мазкур Низом қоидалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлигининг харбий тузилмаларига татбиқ этилмайди.»;

д) 3-банддаги «ўқ-дорилар» деган сўз «унинг ўқ-дорилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «ўқ-дориларни» деган сўз «унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ўқ-дориларни» деган сўз «унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 11-банднинг биринчи хатбошидаги «ўқ-дориларни» деган сўз «унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 14-банднинг биринчи хатбошидаги «ўқ-дориларни» деган сўз «унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 3-бобнинг номидаги «қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси

воситалари» деган сўзлар «қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

й) 16, 17 ва 18-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16. Қуролхонада қўриқлаш техник воситалари ва тизимлари, ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардиясига хабарнома юборган ва хабарнома реестрига киритилган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларидаги қуролхоналарда қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари рухсатномага эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Қуролхона қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари билан махсус лойиҳаларга мувофиқ жиҳозланади.

17. Қуролхонада ўрнатилган қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг техник қўриқлаш марказининг (пунктининг) бошқарув ва кузатув пультага уланиши лозим.

18. Қуролхонани Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг техник қўриқлаш маркази (пункти) қўриқловига топширишнинг техник имкони бўлмаган тақдирда, у юридик шахс биносининг ташқи томонига жойлаштирилган баланд товуш чиқарувчи ускуна (сирена) ҳамда қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситаларининг ташвиш сигнаolini кечаю кундуз ишловчи энг яқин қўриқлаш постига, шунингдек юридик шахснинг кечаю кундуз ишловчи қоровуллик, қўриқлаш, навбатчилик ёхуд диспетчерлик хизмати хонасига узатадиган автоном сигнализация воситалари билан жиҳозланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг техник қўриқлаш маркази (пункти) қўриқловига топширилмаган ёки кечаю кундуз ишловчи қўриқлаш пости ҳамда қоровуллик, қўриқлаш, навбатчилик ёхуд диспетчерлик хизмати хонаси бўлмаган юридик шахсда қуролхонаниннг жиҳозланишига йўл қўйилмайди.»;

к) 20-банддаги «ўқ-дориларни» деган сўз «унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 23-бандда:

биринчи хатбошидаги «Қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализациясининг» деган сўзлар «Қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Қўриқлаш сигнализациясининг» деган сўзлар «Қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализациясининг» деган сўзлар «Қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 24-банддаги «қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси комплекси» деган сўзлар «қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 25-бандда:

биринчи хатбошидаги «Қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси комплексининг» деган сўзлар «Қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси комплексининг» деган сўзлар «Қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари юридик шахс биносининг ташқи томонида баланд товуш чиқарувчи ускуна (сирена) билан жиҳозланиши лозим.»;

р) 27 ва 28-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситаларининг ташвиш сигнали юридик шахснинг кечаю кундуз ишловчи қоровуллик, қўриқлаш, навбатчилик ёхуд диспетчерлик хизмати хонасидаги махсус кўп каналли (кўп нурли) пультага келиб тушиши, ушбу пультадаги махсус таблода бузилиш ёки ёнғин рўй берган жойни нур ёрдамида кўрсатадиган товушли, ёруғлик ёки бошқа индикаторлар бўлиши керак.

Ташвиш сигнали юридик шахснинг кечаю кундуз ишловчи қоровуллик, қўриқлаш, навбатчилик ёхуд диспетчерлик хизмати хонасидаги махсус кўп каналли (кўп нурли) пультага келиб тушиши билан бир вақтда симли ёки радио алоқа тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг техник қўриқлаш марказига (пунктига) узатилиши лозим. Ташвиш сигнали сабабларини аниқлаш, зудлик билан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш ва ёлғон (сабабсиз) чақириқнинг олдини олиш мақсадида, юридик шахснинг кечаю кундуз ишловчи қоровуллик, қўриқлаш, навбатчилик ёхуд диспетчерлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг техник қўриқлаш маркази (пункти) ўртасида икки томонлама алоқа ташкил этилиши лозим.

28. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши учун:

қурол ва унинг ўқ-дориларини сақловчи юридик шахслар раҳбарлари;

қурол ва унинг ўқ-дориларини сақловчи юридик шахслар раҳбарларининг буйруқ ёки фармойиш тусидаги бошқа ҳужжатлари билан қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини, берилиши-қабул қилиб олинишини ва ҳисоби юритилишини таъминлаш вазифалари юкланган масъул шахслар жавобгардир.».

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**268 Davlat yong‘in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish  
va amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga  
o‘zgartirishlar kiritish haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
27-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3097-7*

O‘zbekiston Respublikasining 2023-yil 18-apreldagi O‘RQ–830-son “Ma‘muriy jarimalarni to‘lashda aholiga qo‘shimcha qulayliklar yaratilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Ma‘muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksining 332<sup>1</sup>-moddasiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2023-yil 25-yanvardagi PF–14-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmonlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2018-yil 28-oktabrdagi 228-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3097, 2018-yil 11-dekabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 12.12.2018-y., 10/18/3097/2314-son) bilan tasdiqlangan Davlat yong‘in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. KULDAShev**

Toshkent sh.,  
2023-yil 6-iyun,  
155-son

O‘zbekiston Respublikasi  
favqulodda vaziyatlar vazirining 2023-yil  
6-iyundagi 155-son buyrug‘iga  
ILOVA

**Davlat yong‘in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va  
amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga kiritilayotgan  
o‘zgartirishlar**

1. 39-banddagi “Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi” degan so‘zlar “Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 27-iyunda e‘lon qilingan.

2. 47-bandning to'qqizinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligining texnik kengashlarida, shuningdek Qoraqalpog‘iston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi boshqarmalari qoshidagi shaharsozlik kengashlarida ishtirok etish;”.

3. 62-banddagi “Qurilish vazirligi huzuridagi Qurilish sohasida hududiy nazorat inspeksiyasi” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi huzuridagi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish hududiy inspeksiyasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 98-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“98. Jarima huquqbuzar tomonidan unga jarima solish to‘g‘risidagi qaror topshirilgan kundan boshlab o‘ttiz kundan kechiktirmay, bunday qaror xususida shikoyat berilgan yoki protest bildirilgan taqdirda — shikoyat yoki protest qanoatlantirilmaganligi to‘g‘risida xabar berilgan kundan boshlab o‘n besh kundan kechiktirmay to‘lanishi lozim.

MJtKning 332<sup>1</sup>-moddasiga muvofiq huquqbuzar unga jarima solish to‘g‘risidagi qaror topshirilgan kundan boshlab o‘n besh kun ichida ushbu jarima miqdorining ellik foizini yoki o‘ttiz kun ichida jarima miqdorining yetmish foizini ixtiyoriy ravishda to‘lagan taqdirda, u jarimaning qolgan qismini to‘lashdan ozod qilinadi, quyidagi hollar bundan mustasno:

jarima solish to‘g‘risidagi qaror ustidan shikoyat qilinganda yoki protest bildirilganda;

xuddi shunday huquqbuzarlik ma‘muriy jazo chorasi qo‘llanilganidan keyin bir yil davomida takror sodir etilganda.

O‘n olti yoshdan o‘n sakkiz yoshgacha bo‘lgan shaxslarning mustaqil ish haqi bo‘lmagan taqdirda, jarima ularning ota-onalari yoki ular o‘rnini bosuvchi shaxslardan undirib olinadi.

Ma‘muriy huquqbuzarlik sodir etganlik uchun solingan jarima huquqbuzar tomonidan tegishli bankka to‘lanadi. Huquqbuzarlik sodir etilgan joyning o‘zida jarimani undirib olinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.”.

5. 15-ilovada:

“yetmish foizini” degan so‘zlar “ellik foizini yoki o‘ttiz kun ichida jarima miqdorining yetmish foizini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“ma‘muriy huquqbuzarlik sodir etganlik uchun sud tomonidan jarima solinganda;” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**269** Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyning bitiruvchilarini Toshkent davlat yuridik universitetiga yakka tartibda suhbat o‘tkazish orqali o‘qishga qabul qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 13-bandiga qo‘shimcha kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
27-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3308-1*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-apreldagi PF–5987-son “O‘zbekiston Respublikasida yuridik ta‘lim va fanni tubdan takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 13-maydagi 395-son “Oliy ta‘lim muassasalariga o‘qishga qabul qilishda milliy hamda xalqaro baholash tizimlari sertifikatlarini tatbiq qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2021-yil 9-iyundagi 12-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3308, 2021-yil 9-iyun) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 09.06.2021-y., 10/21/3308/0541-son) bilan tasdiqlangan Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyning bitiruvchilarini Toshkent davlat yuridik universitetiga yakka tartibda suhbat o‘tkazish orqali o‘qishga qabul qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 13-bandi “b” kichik bandi ikkinchi xatboshisidagi “Cambridge Assessment English FCE” degan so‘zlardan keyin “, Cambridge Assessment English Linguaskill” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 27-iyun,  
7-mh-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 27-iyunda e‘lon qilingan.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**270** «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ–5073-сон «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 304-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2008 йил 23 февралдаги 299-В, 2008-05-сон «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1782, 2008 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 105-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 13 июнь,  
299-В-4-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 июлда эълон қилинган.

## Иқтисодиёт ва молия вазири

## Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,  
2023 йил 30 май,  
21-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
13 июндаги 299-В-4-сон ҳамда Иқтисодиёт ва  
молия вазирлигининг 2023 йил 30 майдаги  
21-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;**

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ–726-сон «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги 255-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қиладилар:**»;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.»

2. Низомда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги НИЗОМ»;**

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишига оид талабларни белгилайди.

Мазкур Низом давлат қимматли қоғозларига доир операцияларга татбиқ этилмайди.»;

в) 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**банк** — банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс»; учинчи хатбошидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштилсин;

г) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган вақтдан бошлаб қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Банклар мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган профессионал фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялаш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиши талаб этилмайди, бунда банклар профессионал фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларини бажаришдан озод этилмайди.»;

д) II бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«II. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишига оид талаблар»;**

е) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолияти, агар ушбу Низомда бошқача тартиб

белгиланмаган бўлса, қонунчилик ҳужжатларида ушбу фаолият турларига ўрнатилган талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.»;

ё) 3<sup>1</sup>-банддаги «касбий» деган сўз «профессионал» деган сўз билан алмаштирилсин;

ж) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Банкда инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ банк операциялари бўйича жавобгарлик юклатилган таркибий бўлинма (кейинги ўринда — бўлинма) бўлиши лозим.»;

з) 6-бандда:

биринчи жумладаги «қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи малака аттестатига» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака сертификатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи жумладаги «қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи I тоифали малака аттестатига» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг I тоифали малака сертификатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака сертификати олиш учун ўтказиладиган аттестация Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентида белгиланган тартибда амалга оширилади.»;

й) 8 ва 12-бандлардаги «инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти» деган сўзлар «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) III бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«III. Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолият юритувчи банк томонидан ахборотни ошкор қилиш»;**

л) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Банклар инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида банк сири тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилишлари лозим ҳамда хизматда фойдаланиладиган ахборотга эга бўлиб, бу ахборотдан битимлар тузиш учун фойдаланиш ва ушбу ахборотни битимлар тузиш учун учинчи шахсларга берилиши тақиқланади.»;

м) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли дав-

лат органи қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолият юритувчи банкдан, улар томонидан амалга оширилган қимматли қоғозлар билан операциялар ва битимлар бўйича ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.»;

н) 15-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

о) IV бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«IV. Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолият юритувчи банкларнинг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш»;**

п) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатидаги профессионал фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан биргаликда амалга оширилади.»;

р) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолият юритувчи банк томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлиги ҳақида ахборот келиб тушганда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўришга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига чоралар кўриш учун маълумотлар юбориш ҳуқуқига эга.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТОҒ-КОН САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**271** Геология-қидирув ишлари қийматини жорий нархларда ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2395-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 мартдаги ЎРҚ–758-сон «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2012 йил 3 сентябрдаги 5-сон қарори (рўйхат рақами 2395, 2012 йил 23 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 498-модда) билан тасдиқланган Геология-қидирув ишлари қийматини жорий нархларда ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. ИСЛАМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 16 июнь,  
5-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
тоғ-кон саноати ва геология вазирининг  
2023 йил 16 июндаги 5-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Геология-қидирув ишлари қийматини жорий нархларда  
ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар, «Навоийуран» давлат корхонаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ томонидан амалга ошириладиган геология-қидирув ишлари қийматини жорий нархларда ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгилайди.»

2. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган геология-қидирув ишларининг йиллик дастурига киритиладиган объектларга оид лойиҳа-смета ҳужжатларини тузишда қўлланилади.»

3. 2-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва Геология-қидирув ишларининг йиллик дастурларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2662, 2015 йил 2 апрель) 3-бандида кўрсатилган геология-қидирув ишларининг турларига татбиқ этилади.»

4. 3-банддаги «Давлат геология қўмитаси» деган сўзлар «Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 4-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«меҳнат сарфи қийматини баҳолаш учун Статистика ҳисоботи шакллари-нинг (рўйхат рақами 3401, 2022 йил 12 декабрь) 43-иловасига мувофиқ шаклдаги Меҳнат ҳисоботи (бундан буён матнда 1-Т ҳисоботи деб юритилади) мувофиқ ўтган йил учун ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача иш ҳақини қўллаш;».

6. 28-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг» деган сўзлар «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ч — ўтган йил учун ишлаб чиқариш ходимларининг ойлик ўртача сони.»

7. 30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Жорий нархлар ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг ва материалларни етказиб берувчиларнинг сотиш нархлари, биржа нархлари, Ўзбекис-



тон Республикаси ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўлланиладиган моддий-техника ресурсларининг жорий нархлари каталоги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралар»нинг (рўйхат рақами 3259, 2020 йил 30 июнь) 52-бандига мувофиқ белгиланиши мумкин.».

8. 33-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лойиҳа-смета ҳужжатларини тузишда геология-қидирув ишлари қиймати жорий нархларда қўлланиладиган давр харажатлари ва фойда миқдори Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) 2-сон шаклдаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шакл, 1-Т ҳисоботи ва Статистика ҳисоботи шаклларининг (рўйхат рақами 3401, 2022 йил 12 декабрь) 96-иловасига мувофиқ шаклдаги ташкилот хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисобот кўрсаткичларининг таҳлили асосида ўтган йил учун амалдаги маълумотлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади.».

9. 35-банднинг иккинчи хатбошисидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «ийғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 36-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 10 июндаги 30-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2023 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-7.***

2. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 24-maydagi 16-2023/B-son "Avtotransport vositalari haydovchilarining ish vaqti va dam olish vaqti to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

***2023-yil 26-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2506-1.***

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 1 июндаги 290-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сақланадиган хоналарнинг муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2023 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2700-2.***

4. O'zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirining 2023-yil 6-iyundagi 155-son "Davlat yong'in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

***2023-yil 27-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3097-7.***

5. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 27-iyundagi 7-mh-son "Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyning bitiruvchilarini Toshkent davlat yuridik universitetiga yakka tartibda suhbat o'tkazish orqali o'qishga qabul qilish tartibi to'g'risidagi nizomning 13-bandiga qo'shimcha kiritish haqida"gi buyrug'i.

***2023-yil 27-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3308-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 13 июндаги 299-B-4-сон ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил

30 майдаги 21-сон «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултант сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2023 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-4.*

7. Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирининг 2023 йил 16 июндаги 5-сон «Геология-қидирув ишлари қийматини жорий нархларда ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2023 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2395-1.*